


ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАД

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДЕМОКРАТИК АНДОЗАЛАРИ



76.0(5Ў)

Д 99

МУНДАРИЖА

Эркинлашиш йўли	3
Учинчи устувор йўналиш моҳияти	7
Эркинлик қонундан бошланади	15
Иқтисодий имкониятнинг ҳуқуқий асоси	18
Глобаллашув даври ва ахборот макони	24
Журналист текшируви	31
Касб одоби	39
Журналист — шахс!	48

Тақризчи — Сайди Умиров, доцент,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Муҳаррир — Карим Бўронов

Д 99 **Дўстмуҳаммад Хуришд.**
Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг де-
мократик андозалари/Х. Дўстмуҳаммад — Т.: «Ўзбекистон»
НМИУ, 2005.—56 б.

ISBN 5-640-03100-X

Ушбу рисолада миллий журналистика ва матбуотни ривожланти-
ришнинг демократик андозаларини жорий этиш борасидаги долзарб
вазифалар таҳлил этилади.

ББК 76.0(57)

Д 0804000000 - 108 2005
М 351 (04) 2005


Хуришд Дўстмуҳаммад

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДЕМОКРАТИК АНДОЗАЛАРИ

Бадий муҳаррир *Ж. Адилов*, Техник муҳаррир *Т. Харитонова*,
Мусахҳидлар: *Ш. Орипова*, *М. Раҳимбекова*, Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 27.08.2005. Бичими 84x108¹/₁₆. Шартли босма табоқ 2,94.
Нашр т. 2,80. Нухаси 3000. Баҳоси шартнома асосида. Буюртма № К-0134.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий
унида чоп этилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.



«Ўзбекистон» НМИУ, 2005 й.

ЭРКИНЛАШИШ ЙЎЛИ

Ахборот асрида «кашф» этилган нақднамо янги бир гап-да айтилишича, «ахборот сушт айланадиган жамиятда тафаккурлар ҳам сушт ишлар эмиш». Ҳақиқатан, ахборот оқимининг суштулиги, тақчиллиги, бирёқламалиги замонавий ахборотлашган жамиятнинг энг катта нуқсонларидан ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш эса жуда кенг, жуда серқатлам, ғоятда сермуаммо тушунча.

Оммавий ахборот воситалари мавзусида сўз очилар экан, туман газетаси миқёсида фикр юритиш мумкин, вилоят ёки республика нашрлари нуқтаи назаридан, уларнинг манфаатларидан келиб чиқиб мулоҳазаларни ўртоқлашиш мумкин. Мавзунинг бошқа бир жиҳати шундаки, жамият ва ОАВ эркинлиги муаммосига доир ўй-мушоҳадалар баён этилганда, беихтиёр жаҳоний ва умуминсоний нуқтаи назарлардан, мезонлардан келиб чиқишга тўғри келади.

Бу ҳам глобаллашаётган даврнинг ўзига хос хусусиятларидан бири.

Инсоният ҳамиша мукаммал жамият бунёд этиш иштиёқида яшаган, шу ниятда турли замон ва давронларда не-не тузумларга асос солган. ХХI асрнинг аввалига келиб мана шундай орзудаги жамиятнинг таърифи «демократия» деб аталмоқда. Одамларнинг фаровонлиги, жамиятларнинг тараққий этганлиги, мутлақ адолатли мувозанат ўрнатиш мезонлари ҳам мазкур улуг ва тотли «демократия» сўзи билан ифодаланмоқда.

Шўро даврида ҳозирги тушунчадаги эркинлик ҳақида орзу қилиш нари турсин, ҳатто у ҳақда ўйлаш, мушоҳада юритишни тасаввурга сиғдириб бўлмас эди. Борди-ю, тор давраларда гап қўзғалиб қолса, мамлакат мустақилликка эришса бас, олам гулистон, тап-тайёр демократия осмондан тушади-қўяди, деган ҳаёлларга бориларди. Ватанимиз

мустақиллигининг дастлабки ўн тўрт йили ана шундай мулоҳазалар хомхаёлдан ўзга нарса эмаслигини кўрсатди. Зеро, демократия лаганга сузилса бўлаверадиган тайёр таом эмас, қисқа фурсатларда барпо этиладиган иморат ҳам эмас, балки у — **тўхтовсиз ҳаракатдаги жараён** экан! Буни тушуниб этиш учун ҳам муайян вақт, фурсат керак экан!

Ер юзидаги бирор-бир мамлакатда мутлақ демократик жамият қойиллатиб қуриб қўйилган деб ишонч билан айтиш қийин. Чунки, «демократия» тушунчасининг ўзи аниқ, тугал бир маънога эга эмас, эркинлик мезонлари ниҳоятда нисбий. Шу боисдан ҳам муайян бир давлатнинг мутлақ демократик тузум барпо этган-этмаганига қараб эмас, балки демократия йўлини танлаган-танламаганига кўра баҳо бериш кўп жиҳатдан асосли ва адолатли бўлади деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини топди. Улкан техник тараққиёт, шу билан бир вақтда оламшумул воқеа-ҳодисалар, қирғинбаротлару сиёсий қалтисликларга бой бўлган юз йиллик ниҳоясида ўз истиқлолига эришган Ўзбекистон олдида бир сиёсий тузумдан бошқасига ўтишдек мураккаб ва масъулиятли вазифа кўндаланг бўлди. Худди шу улкан вазифалар қаторида республикада оммавий ахборот воситалари тизимини буткул янги ва замонавий талаблар асосига қуришдек тарихий мақсадлар ҳам бор эди. «Матбуот ва ахборот воситаларини тўртинчи ҳокимият сифатида эътироф этиш ҳуқуқий давлат оёққа туришининг муҳим шартларидан бири эканлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас, — дейди Республикамиз Президенти И.Каримов хорижий ахборот агентлиги мухбирининг саволига жавобан. — Модомики, Ўзбекистон эркин, очиқ ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу шартларни сўзсиз бажариш керак. Мамлакатимиз Конституцияси ва қонунлари ҳам айнан мазкур мезонлардан келиб чиқиб яратилди»¹.

¹ Ислон Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. — Т.: «Ўзбекис-тон», 325-бет.

Кўринадики, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий, дунёвий, замонавий демократия йўлини танлаган мамлакат сифатида дунёга танилиб келмоқда. «Аммо бугунги кунда бизнинг жамиятимиз ҳақиқий демократик ислохотлар сари илк қадамларини қўяр экан, — деган эди Президент И. Каримов 1992 йилнинг ёзида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида, — маълум ва машҳур ҳақиқатларни қайтадан зикр этиш асло зиён қилмайди»¹.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йилнинг 28 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузаси «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» деб аталди. 1992 ва 2005 йиллардаги ушбу икки тарихий маъруза орасида ўтган давр мобайнида Республикамизда жамият тараққиётини эркинлаштириш йўлига солиш борасида озмунча ишлар қилиндими?! Биз, матбуотчилар ва журналистлар учун энг муҳим жиҳати шундаки, мамлакатимиздаги демократлашув жараёнлари оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқликда олиб борилди. Мустақиллик даври миллий матбуот тизимини яратиш, шакллантириш, тараққий топтириш масалалари ҳар доим давлатимиз раҳбарининг диққат-этиборида бўлди. Миллий матбуотимизнинг эркин ватан ва эркин фуқароларнинг эркин матбуотига айланиш жараёнлари босқичма-босқич суръатларда олға босди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн тўрт йилида миллий журналистика соҳасида олиб борилган ислохотлар кўлами қуйидаги йўналишларда ўз аксини топди:

— оммавий ахборот воситалари тизимини ислох этишнинг қонуний асосларини яратиш;

— инсоният тарихида демократик жамият қуриш борасида тўпланган энг илғор тажрибаларни ўзлаштириш;

— матбуотни эркинлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, шартларини, қонуниятларини ўрганиш;

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд.* — Т.: «Ўзбекистон», 17-бет.

— умуминсоний ва миллий қадриятлар, манфаатлар уй-
ғунлигига эришиш;

— соҳа тизимидаги ислоҳотларни беталафот ўтказиш;

— оммавий ахборот воситалари тизимининг бозор муно-
сабатлари шароитида эмин-эркин фаолият юритишига за-
мин тайёрлаш ва ҳоказо.

Санаб ўтилган муаммоларнинг ҳал этилиши қанчалик
муҳим бўлса, кўзланган натижаларга эришиш бошқа бир
фоятда жиддий омилга — соҳа эгаларининг малакаси, иқти-
дори ва касб одобига, қолаверса кенг ўқувчилар оммаси-
нинг ислоҳотлар жараёнида фаол иштирокига боғлиқ эди!
Зеро, жамият миқёсида амалга оширилажак ҳар қандай ис-
лоҳотнинг тақдири инсон омилидан бошланади. Инсон оми-
лига қўйилган талаб эса давр тақозосига кўра кун сайин
ўзгариб бораверади.

«Демократия» юнон тилида халқ ҳокимияти деган маъ-
нони англатишини эндиликда кўпчилик билади. «Демо-
кратик институтлар» деганда давлат, сиёсий партиялар,
жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва ҳока-
зо тузилмалар кўз ўнгимизга келади. Давлат ҳокимияти-
нинг уч асосий тармоғи ҳисобланмиш қонун чиқарувчи,
ижроия ва суд органлари ҳақида сўз очилар экан, омма-
вий ахборот воситаларини беихтиёр тўртинчи ҳокимият
сифатида саноққа киритиш мантикий тус олди. Шунга
ўхшаш ибора ва атамаларнинг тушунча сифатида тафаккур
ва шуурларимизга сингиб бораётгани, китобий-назарий ата-
маларнинг реал ҳаёт ҳақиқатларига айланаётгани жўн воқеа
эмас. Айни чоғда ОАВ эркинлашуви жамиятдаги бошқа
кўплаб соҳалар эркинлашуви билан чамбарчас боғлиқ бе-
ҳад мураккаб, серқатлам ва сербосқич жараён эканлигини
қайта-қайта таъкидлашга тўғри келади. Юртбошимизнинг
Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишидаги маъ-
рузаси мазкур фикрнинг нечоғли тўғрилигини яна бир
карра кўрсатди. Президент жамиятни демократлаштириш,
янгилаш ҳамда мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиши-
нинг энг устувор дастурий тамойиллари қаторида омма-
вий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демокра-
тик андозалар жорий этилиши зарурлигини кун тартибига
қўйди.

УЧИНЧИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШ МОҲИЯТИ

Олий Мажлис палаталарининг қўшма йиғилишида Президент мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар жараёнларини янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг галдаги устувор йўналишларини белгилаб берди. «Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг фоят муҳим шarti — бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир»¹ деб номланган учинчи устувор йўналиш, ҳеч шубҳасиз, миллий матбуотчилигимиз раvнақини янги босқичларга кўтаришда янги саҳифа очади.

Авваламбор, давлат раҳбари «матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш»ни мамлакатимизда ислохотларни чуқурлаштириш жараёнининг **муҳим таркибий қисми** сифатида кўраётганига эътибор бериш зарур. Зеро, оммавий ахборот воситалари тўртинчи ҳокимият сифатида ҳар қандай соҳага ДАХЛДОР эканини эътироф этар эканмиз, унинг эркинлигини бошқа соҳалар эркинлигидан айри ҳолда тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Бинобарин, жамиятнинг демократия йўлидан дадил илгарилашининг муҳим шартларидан бири — шу, яъни матбуот сўзининг эркинлигидир!

Бундай шароитда эркин матбуот зиммасидаги бурч ва вазифа тубдан ўзгаради. Буни Президент, «Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни... кутади»² деб таърифлайди.

Холис ва тезкор ахборот олиш, холис ва тезкор ахборот узатиш ўзбек журналистикасининг энг жиддий муаммоларидан эканини тан олишимиз керак. Ахборот асри жадал ривожланаётган ва ахборот глобаллашаётган бир замонда

¹ Ислам Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005, 51-бет.

² Ушa жойда, 52-бет.

ахборотлашган жамият тамойилларини йўлга қўймай туриб дунё ҳамжамятига фаол қўшилиш, ундан мустақкам ўрин олишнинг зинҳор иложи йўқ. Ахборотлашган жамият мақомига эришиш талаблари эса жамиятнинг демократлашув шартлари сингари бири-биридан бисёр, бири-биридан мураккабдир.

«Ахборотлашган жамият» тушунчаси «очиқ жамият» тушунчаси билан маънодош, жамиятнинг очиқлигини эса фақат ва фақат тезкор ахборот оқими таъмин этади. Бундай ахборот оқими эл-юрт учун бамисоли сув ва ҳаво вазифасини ўтайди. Афсуски, бу бораларда ечимини кутаётган муаммолар талайгина.

Юртбошимиз «хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида» холис ва тезкор ахборот олиш зарурлигини бежиз таъкидламаётир. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари соҳаси тўхтовсиз замонавий тус олаётган, дунё ҳамжамятида ўз ўрни ва овозига эгалик қилиш истагидаги мамлакат сифатида Ўзбекистон халқи жаҳон айвонида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар тўғрисида тезкор ва, айниқса, холис ахборот олиши учун чет элларда ўз мухбирларимиз кенг ва эмин-эркин фаолият юритишлари зарур. Республика телевидениеси, радиоси, нуфузли газеталаримизгача хориж янгиликларининг қарийб барини хориж ахборот манбаларидан олиши нечоғли кемтик бир ҳолат эканлигини алоҳида таъкидлашнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирларининг хорижий давлатлардан онда-сонда йўллаётган ихчам-ихчам хабарлари бу борадаги дастлабки уринишлар ва тажрибалар, холос. Ваҳоланки, «Жаҳон» эндиликда кўплаб давлатларни ўз мухбирлари билан «ишғол» этиш тажрибасига, малакасига эга агентлик ҳисобланади.

Тўғри, маҳаллий оммавий ахборот воситаларида хориждан ўз мухбирларимиз хабарларини кўпайтириш кадрлар масаласига ҳам бориб тақалади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетида, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида халқаро мавзуларда етук савияда қалам тебратишга қодир малакали ёш кадрлар етишиб чиқмоқда. Бироқ бундай кадрларни хорижга хизмат сафарига жўнатишга журъат қилади-

ган, қолаверса шунга доир молиявий харажатларга қодир таҳририят топилмаётганини қандай баҳолаш мумкин?..

Давлатимиз раҳбари маърузада мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ахборот бериш тарзидан ҳам қониқиш ҳосил қилинмаётганини очиқ баён этди. Хориждан холис ва тезкор ахборот бериш борасида журналистикамиздаги мавжуд камчилик тилга олинди. Хўш, нима сабабдан мамлакатимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида холис ва тезкор ахборот беришни йўлга қўйиш борасида ҳам худди шундай кемтикликка, сусткашликка йўл қўйилмоқда? Бундай ҳолатдан қутулишга нима тўсқинлик қилмоқда?

Маърузада бунинг бир неча жиддий сабаблари санаб ўтилди. Яъни, миллий журналистика намояндалари «мустабид тузум мероси ва ақидаларидан, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасидан жуда катта қийинчилик билан халос бўляпмиз». Иккинчидан, «ҳалигача журналистлар фаолиятида ўз-ўзини цензура қилиш, юқоридан буйруқ кутиш кайфиятлари сезилиб турибди».

Мамлакатимиз матбуотчилиги тизими тубдан янгилаётгани, хилма-хил оммавий ахборот воситаларининг сони ортиб бораётгани, миллий журналистикамизда, аста-секинлик билан бўлса-да, авлодлар алмашинуви кечаётгани кўриниб турган ҳол. Мустабид тузум тарихга айланганига ҳам ўн беш йил бўляпти. Кишиларимизда тафаккур ўзгармоқда. Мантиқан савол туғилади: шундай бир шароитда нима сабабдан журналистикамиздаги ўзгаришлар, яъни янгиланиш жараёнлари бу қадар қийинчилик билан кечмоқда? Кекса ва ўрта ёш авлод журналистларимиз шўро даври ҳавосидан «баҳра» олгани муқаррар, бироқ мустабид мафкурадан беҳабар, айни истиқлол даврида таҳсил олган ёшлар-чи? Нима учун улар эркин журналистика муҳитини ярата олмаяптилар? Ваҳоланки, касбимиз хусусиятидан келиб чиқилса, журналистлар жамиятдаги янгиланишларга, ижтимоий ўзгаришларга энг тез мосланувчан, янгиланишга мойил ва қодир касб соҳиблари ҳисобланадилар. Шунга қарамай...

Президент муаммонинг ўқилдизини «профessional таҳлилий материаллар» деган жумласида айтди! Ҳа, жуда кўпчи-

лик муаммолар кадрларнинг профессионал маҳоратига бориб тақалади!

Журналистикада профессионаллашув муаммоси мутахассисларни, касб соҳибларини жиддий мушоҳадаларга ундамоғи керак!

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг сони 300 тадан салкам 1000 тага етди. Бозор муносабатлари шароитида бундай ҳолат табиий ҳисобланади. Бироқ ОАВнинг сон жиҳатидан бу қадар кўпайиши, ўз навбатида, малакали кадрлар етишмовчилигини келтириб чиқарди. Мавжуд малакали кучлар эса кўп сонли ахборот воситалари «тўфони»да бамисоли тўзиб кетди. Бунинг натижасида аксарият оммавий ахборот воситалари ҳали профессионаллашиб улгурмаган, тажрибасиз, ҳатто тегишли ихтисосликка эга бўлмаган ходимлар етакчилигида ва иштирокида фаолият юритмоқда.

Аслида ҳам ёш журналистларнинг ҳаваскорлик босқичидан профессионаллашув мақомига кўтарилиш муҳлатини аниқлаш жуда қийин. Бугун бакалаврлик ёхуд магистрлик ёрлиғини қўлга киритаётган ёш мутахассислар орасида амалий журналистика талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиганлари кўп эмас. Шу ўринда савол туғилади: бошловчи журналистга хос бўлган ғўрлик, уқувсизлик, тажрибасизлик бир йилда йўқоладими, уч йилдами... ўн йилдами?..

Бу саволга ҳеч ким аниқ жавоб бера олмайди. Бироқ гоятда жиддий бу муаммони ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Яъни, ёш журналист кадрларнинг ҳаваскорликдан профессионаллик даражасига кўтарилиш даврини қисқартиришнинг илмий-назарий, амалий чораларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш зарур.

Маърузада соҳамиз кадрларининг профессионаллашуви-ни йўлга қўйиш борасида бир қатор дастурий вазифалар белгилаб берилди. Чунончи, «аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак». Зеро, иқтисодий эркинлик мустақил фаолият юритишнинг асосий омилига айланади. Соғлом рақобат муҳити вужудга келади. Тўғри, бундай ишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. «Шу муносабат билан, — деди Президент, — оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш бўйича муста-

қил жамоатчилик фонди тузиш фурсати етди, деб ўйлайман».

Оммавий ахборот воситаларига мулк шаклидан қатъи назар тенг шарт-шароит яратиб бериш демократик жамиятнинг муҳим мезонларидан ҳисобланади. Мамлакатимиз раҳбари илгари сурган фонд ташкил этиш гоёси, биринчи навбатда, шу жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирга қадар Республикамизда мана шундай кенг миқёсларда фаолият кўрсата оладиган жамғарма ташкил топмади. 1996–2004 йиллар мобайнида фаолият юритган Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси молиявий жиҳатдан қутилган мавқега эриша олмади. Пировардида, у ўз вазифасини ўтаб, мерос сифатида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига ўз ўрнини бўшатиб берди. Лекин орада бўшлиқ қолмаслиги керак эди, Юртбошимиз илгари сурган фонд ташкил этиш гоёси амалга ошганида мазкур бўшлиқ ўрнини тўлдиради деб ўйлаймиз. Маърузада фонд пировард натижада мамлакатимиз журналистлари малакасини, профессионал савиясини оширишга катта ҳисса қўшиши лозимлиги айтилди. Жумладан, «Фонд маблағлари нафақат нодавлат электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлашга, айни пайтда журналистлар ва техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш каби муҳим масалаларга ҳам йўналтирилиши даркор.

Бу иш, жумладан, мамлакатимиз ва хориждаги етакчи таълим муассасалари ва теле-радио журналистика марказларида малака ошириш, тренинглар ташкил этиш орқали амалга оширилиши лозим».

Кўриниб турибдики, ушбу вазифалар ҳам журналистларнинг профессионал малакаси ва маҳоратини оширишга, эҳтимол, ёш журналистларнинг профессионаллашув муддатини «қисқартириш» йўллариини кашф этишга бевосита дахлдордир.

Маърузада, иккинчи муҳим вазифа сифатида «давлат телевидениеси негизида жамоатчилик телевидениеси каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи ҳам муҳим

аҳамият касб этаётганлиги» таъкидланди. Бу ҳам бежиз эмас. Гап шундаки, ҳозирги замон ахборот майдонида телевидение энг таъсирчан, тезкор ва қамровининг беҳад кенглиги билан етакчи ўринни эгаллаб турибди. Мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатлами янгиликларни асосан телеэкран орқали олмоқда. Бу, масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳат шундан иборатки, фуқаро воқеа-ҳодисалар ҳақида турфаманбалардан ахборот олиш имконига эга бўлиши ахборотлашган демократик жамиятнинг муҳим шартларидан биридир. Ушбу шартни амалга ошириш чораларидан бири бўлмиш нодавлат телевидение тармоғи Республикамизда энди-энди оёққа туриб келмоқда, қиёсан айтиладиган бўлса, давлат телевидениеси билан жамоат телевидениеси ўртасидаги тафовут ниҳоятда катта. Ҳозирги аҳволда бу икки тармоқ ўртасида соғлом ижодий рақобат бўлиши амримаҳол. Президент эътиборни айти шунга — «ижодий рақобат муҳитини вужудга келтиришга» қаратмоқда.

Тарихий аҳамиятга молик маърузада алоҳида эътибор қаратилган жиддий муаммолардан яна бири хусусида тўхта-лар эканмиз, соҳамизнинг кўлами нақадар кенгайиб кетганини, демак, уни ривожлантириш, эркинлаштириш муаммолари ҳам шунга яраша жиддий тус олаётганини эътироф этишга тўғри келади. «Ўйлайманки, — деб таъкидланади маърузада, — ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ».

Иқтибос олинган сўзларда амалдаги анъанавий оммавий ахборот воситаларининг тамомила янги авлоди ҳисобланмиш электрон оммавий коммуникация воситаларининг аҳамияти, ўрни, истиқболига доир йўналишлар белгилаб берилди. Алоқа воситаларининг фавқулодда тараққий этиши бутун ер юзини «бир қадам»га айлантирди десак мутлақо муболаға бўлмайди. Ахборот узатиш имкониятлари учун эндиликда чегара тушунчаси бегона, тўсиқ тушунчаси ёт. Инсон ақл-идроки бутун дунёни ахборотлашган «бир қиш-

лоқ»қа айлантиришга олиб келмоқда. Шундай шароитда давлатларнинг глобал яхлитликнинг ҳақли аъзосига, субъектига айланишини таъминлаш учун муайян тадбирлар мажмуасини амалга ошириш зарур эди. Шундай чора-тадбирлар кўрилди ҳам. Жумладан, ахборотлашган жамиятни ривожлантиришнинг стратегик устуворликлари белгилаб олинди. Жумладан: «2002–2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури қабул қилинди ва амалга оширилмоқда. Ушбу кенг кўламли ишларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- телекоммуникациялар инфратузилмасини ва Интернет тармоғининг миллий сегментини ривожлантириш;

- аҳолини компьютер техникаси ва тегишли тармоқ ресурслари билан жиҳозлаш бўйича ривожланган мамлакатлар даражасидан мавжуд қолақликни бартараф этиш;

- дастурий таъминотнинг миллий индустриясини барпо этиш;

- мамлакатнинг ягона ахборот маконини ташкил этиш учун зарур бўлган миллий ресурсларни шакллантириш;

- юқори малакали кадрлар салоҳиятини тайёрлаш;

- АКТ соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш;

- АКТни ва тегишли техник воситаларни стандартлаштириш ва сертификациялашни ривожлантириш;

- Ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- Тегишли инвестиция ва инновация лойиҳалари устувор молиялаштирилиши ва кредит берилишини таъминлаш»¹

Ўйлаймизки, мамлакатимизда ишлаб чиқилган шу сингари истиқболли дастурлар амалга оширила боргани сари Ўзбекистон ахборот-технология соҳаси ривожланган давлатлар сафидан ўрин олади. 2000 йилнинг июлида қабул қилинган «Глобал ахборот жамияти Окинава хартияси»да, «Она тилларида ахборот кўламини кенгайтириш ишлари алоҳида тақдирланади» деб ёзилган. Нуфузли халқаро ҳужжатдаги ушбу сўзлар Республикамизда давлат тилидаги мустаҳкам ахборот маконини яратиш, яъни электрон, жумладан Ин-

¹ Давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологиялари. Т., 2005. 104-бет.

тернет ахборот воситаларида ўзбек тилидаги ахборот тарқатиш қўламини кенгайтириш муҳимлигини кўрсатади.

Сўнгги йилларда техник тараққиёт шу қадар жадал тус олдики, бу соҳада сусткашлик, эътиборсизлик оқибатлари кўп ўтмай ўн, юз карра оғирроқ оқибатлар келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Афсуски, кенг аҳоли оммасини компьютер билан таъминлаш, интернетдан эмин-эркин фойдаланиш тизимини яратиш, ахборот оқимини таснифлаштириш, керагини нокерагидан ажратиб олиш, дунёнинг исталган нуқтасидан ахборот олиш ва исталган жойига ахборот узата билиш кўникмасига эришиш, ана шу кўникмани кундалик турмуш тарзимизга сингдириб юбориш ўзига яраша ниҳоятда кўпдан-кўп муаммолар билан боғлиқки, уларнинг барини ғоятда донолик ва зукколик билан кун тартибига қўйиш, масалаларнинг оқилона ечимини топишни тақозо этади.

Ушбу мулоҳазалар билан боғлиқ бир янгилик хусусида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Биринчи ва Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Матбуот ва ахборот қўмитаси фаолият юритган ва мазкур қўмита бевосита матбуот ва оммавий ахборот воситалари соҳасига дахлдор қонунларни яратган ва мазкур қонунларнинг ижроси юзасидан назорат-таҳлил ишларини амалга оширган эди. 2004 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлардан сўнг шаклланган Қонунчилик палатасида Матбуот ва ахборот қўмитаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасига айлантирилди. Қўмитанинг номла-нишининг ўзиданоқ унинг фаолият майдони, соҳаси ва қўлами нақадар кенгайгани яққол кўринади.

Айтмоқчимизки, эндиликда анъанавий оммавий ахборот воситалари тушунчаси ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгарди. Яқин-яқингача ахборотлашув жараёнлари фақат оммавий ахборот воситаларининг фаолияти, қўлами, мавқеи билан ўлчанар эди, энди эса манзара буткул ўзгача. Компьютер техникаси, интернет тармоғи, телекоммуникация имкониятлари тасаввуримиздаги оммавий ахборот воситаси тушунчасини том маънода ўзгартириб юбормоқчи. «Ўйлайманки, — деди Президент қўшма мажлисдаги аърузада, — ҳозирги ахборот, коммуникация ва компью-

тер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тобора чуқур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ».

Дарҳақиқат, эндиликда ҳатто қайсидир бир хонадонда фойдаланилаётган шахсий компьютер ҳам, ўша компьютер экрандаги Интернет хабарлари ҳам ахборот воситаси! Бундай янгиликдан қувонамиз, ҳайратларга тушамиз, унинг ҳаётимизга янада кўпроқ ва кенгроқ тарқалишини истаймиз, бироқ, бунинг ўзига яраша шу қадар нозикдан-нозик муаммолари ҳам борки, уларнинг бирортасини эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, жамиятни, жумладан шу жамият учун хизмат қилаётган оммавий ахборот тизимини эркинлаштиришнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий, илмий, молиявий, техникавий, стратегик, маърифий омиллари мавжудки, уларнинг барини бир занжир ҳалқалари янглиғ бир-биридан ажратмаган ҳолда, чамбарчас узвийликда кўриб чиқилган тақдирдагина Президент учинчи устувор йўналиш сифатида олдимизга қўйган муҳимдан-муҳим дастурий вазифаларни адо этиш имкони топилади.

ЭРКИНЛИК ҚОНУНДАН БОШЛАНАДИ

Демократик жамиятнинг бош белгиси — халқ бошқаруви, халқ бошқарувини адолатли йўлга қўйишнинг бирдан-бир чораси эса — қонун! Жамиятнинг қонуний-ҳуқуқий пойдеворига асос солиш ўзига хос мураккаб ва кўп босқичли жараён эканини эса мамлакатимиз тажрибасида яққол кўрмоқдамиз.

Жамиятнинг барча соҳаларини тартибга солувчи қонунлар яратилди, яратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасига доир қонунлар яратиш борасида ҳам катта тажриба орттирилди. Манзарани тўла тасаввур қилиш учун амалдаги қонунлар рўйхатига назар ташланса муҳим хулосаларга келиш мумкин.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг дастлабки варианты 1991 йили қабул қилинган эди. 1996 йили «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида» ги Қонун қабул қилинди. 1997 йили «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонунлар қабул қилинди. 2002 йилга келиб «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун амалга кiritилди.

Санаб ўтилган қонунлар гарчи матбуот тизими соҳасини йўналтирувчи ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилса-да, яна бир туркум қонунлар ҳам мавжудки, уларни қабул қилмай туриб, жамиятни ахборотлаштириш кўламини тўла тасаввур этиб бўлмас эди. «Мустақилликнинг биринчи кунидан бошлаб, — деб ёзадилар А. Аҳмедов ва Н. Тайлақов «Информатика» деб номланган дарсликда, — бозор иқтисодиёти, ишлаб чиқариш, замонавий технологияни татбиқ этиш ва жаҳон иқтисодий алоқалари тизимига киришнинг энг мақбул йўлларини қидириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни мустақил ечишга тўғри келди. 1991—1994 йилларда Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчилардан бўлиб ахборотлаштиришнинг яхлит давлат сиёсатини амалга оширишга асос солди¹». Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, 1992 йилнинг бошларида «Алоқа тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этди. Юзаки қарагандагина почта алоқаси тизими фаолиятига дахлдор ушбу қонун моҳиятан ахборот алмашинуви жараёнларига хизмат қилади. Ўтган йиллар мобайнида Республикамизда почта хизмати тубдан янгиланди, почта хизматининг табиати ўзгарди, имкониятлари ортди. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 1993 йили қабул қилингани ҳам мамлакатимизда ахборотлашган жамият қуришга мустақиллик тонгидаёқ киришилганини кўрсатиб турибди. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида»ги (1994 йили

¹ А. Аҳмедов, Н. Тайлақов. Информатика. Т.: «Ўзбекистон», 2001, 5-бет.


қабул қилинган) Қонун ҳам ушбу йўналишдаги муҳим одимлардан бири бўлиб қолди.

Коммуникация ва ахборот технологиялари тизимига тааллуқли қонунлар мажмуасига мансуб яна бир қатор ҳужжатлар мавжудки, мазкур қонунлар туркумини сира иккинчи мамлакатимизда ахборотлашган жамият барпо этишнинг мустақкам ҳуқуқий пойдевори деб аташ лозим. «Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳимояси тўғрисида»ги (1994 йил), «Радиочастота спектри тўғрисида»ги (1998), «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (1999), «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги (2004) Қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга ҳаёт тўхтовсиз илгарилаб бормоқда, давр кун сайин ўзгармоқда, янгидан-янги талаблар ишга янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Бошқача айтганда, демократик ислохотлар жараёни жамиятни, шу жумладан ОАВни эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш вазифасини кўндаланг қўймоқда. Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ўзининг яқин ва келгуси йиллардаги фаолият режасини тузишда ушбу вазифалардан келиб чиқмоқда.

Фаолиятнинг биринчи йўналиши ўлароқ соҳамизга доир амалдаги мавжуд қонунларни қайта кўриб чиқиш режалаштирилди. Чунончи, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлар қизиқ кетди. Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунни тубдан янги таҳрирда қабул қилишга тайёрлади.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси фаолиятининг иккинчи муҳим йўналиши беvosита янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш билан боғлиқ. 2005 йилнинг ўзида «Телерадио курсатувлари ва эфирини истифода-



ри тўғрисида»ги, «Жамоат телевидениеси тўғрисида»ги, «Кабель кўрсатувлари тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаси муҳокамага киритилиши режалаштирилаётгани Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида тилга олган ва белгилаб берган вазифаларидан келиб чиқди десак тўғри бўлади. Гап шундаки, ахборотлашган демократик жамиятда мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай оммавий ахборот воситаси учун тенг шароит яратилади. Бу, хилма-хил ахборот узатиш манбаларини кўпайтириш, ахборот бозорида рақобат муҳитини яратиш имконини беради. «Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, — дея таъкидланади маърузада, — тижорат ва ҳудудий нодавлат теле-радиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак».

Ҳозиргина санаб ўтилган уч қонуннинг муҳимлиги ва долзарблиги мазкур иқтибосда аён кўриниб турибди.

Шу ўринда қўмита ва Қонунчилик палатаси режасига киритилган мутлақо янги қонун хусусида махсус тўхталишга тўғри келади.

ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Юқорида зикр этилган қўшма мажлисда Президент миллий матбуотчилигимиз олдида турган галдаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб, «Биринчидан — аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш керак»лигини таъкидлади. Ҳа, давлатимиз раҳбари матбуотнинг иқтисодий эркинлиги муаммосини биринчи навбатдаги аҳамиятга молик алоҳида масала сифатида кун тартибига қўйди.

Тўғриси, масалага бу тарзда ёндошиш биз учун бир қадар янгилик, зеро, «матбуотнинг иқтисодий асоси» деган тушунча ҳамкасбларимиз томонидан муаммо сифатида тилга олинмаган, ваҳоланки, у аслида ҳаётда бор эди, илло ошқора тан олинмасди.

Иқтисодий эркинлик бозор, буюм, маблағ, харид ва харидор тушунчаларига бориб тақалмай иложи йўқ. «Ахборот» сўзининг таърифи қўп, лекин уни бозорий ва иқтисодий нуқтаи назардан таърифлаш керак бўлса, ахборот аввало — буюм! Бозорда сотиладиган товар!

Дунё бозорида ҳеч бир нарса зўравонлик билан сотилмайди, балки бозорнинг чаққонлигини ҳам, нарх-навони ҳам бозорнинг ўзи белгилайди. Шўро даврида ахборот фақат тарғибот ва ташвиқот воситаси эди, орада ўтган мустақиллик йилларини ахборотга бўлган муносабатнинг ўзгариш йиллари деб аталса ҳам нотўғри бўлмайди. Чунки ахборот эндиликда тарғибот эмас, буюм мақомига ҳам эга бўлмоқда. Тан олиш керакки, бу жараён осонлик билан кечаётгани йўқ. Баъзан шундай бўладикки, амалга киритилган қонунда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ёки имкониятлар ҳаётда эътибордан четда қолиб кетади. Чунончи, Олий Мажлис томонидан 2001 йили қабул қилинган «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида «Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар... товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин» деб ёзилган. Яъни, тасвир, сўз — товар, буюм эканлиги таъкидланяпти. Агар ҳар қандай ахборот сўзлардан ташкил топиши назарда тутилса, гиштсиз иморат қуриб бўлмаганидек, сўзсиз ахборот бўлмаслигидан келиб чиқилса, ахборотнинг ўзи ҳам буюм (товар) эканлиги эътироф этилмаяптими, мазкур қонунда?!

Бошқа соҳа эгаларини қўя турайлик, нима сабабдан ҳам-касбларимиз — матбуотчилар, журналистларнинг ўзлари ҳам амалдаги қонунга эътибор қаратмайдилар? Ундан фойдаланмайдилар?

Бозор муносабатлари шароитида сўзнинг буюм сифатида тан олиниши сўзга, демак, ахборотга бўлган қарашни ўзгартиради, пировардида, сўзнинг ва ахборотнинг қадри ортади. Натижада сўзни «пулловчи» мухбирдан тортиб то сўз «истеъмолчиси» — газетхон (телетомошабин, радиотингловчи)гача ўзаро моддий, маънавий манфаат мезонлари, талабларига риоя қилади.

«Ахборот — фақат товар» деган тушунчага тўла қўшилиш ҳам қийин. Яқин ўтмишда бўлганидек, ахборот фақат

тарғибот-ташвиқот воситаси деб тушуниш ҳам, эндиликда эса уни фақат товар деб талқин қилиш ҳам масалага бир-ёқлама қарашдан ўзга нарса эмас. Реал воқеликдан келиб чиқилса, ахборот ўз ўрнида тарғибот-ташвиқот воситаси, ўз ўрнида билим олиш ва дунёқарашни бойитиш воситаси, яна бошқа бир ўринда эса асосан маблағ орттириш воситасидир. Бинобарин, Республикамиздаги жиддий ижтимоий-сиёсий нашрлар, жумладан сиёсий партия нашрларининг адади айтарли кўп эмаслигидан нолимаслик керак, чунки бу, жаҳон журналистикаси тажрибасида оддий ва табиий ҳол ҳисобланади. Айни чоғда кўнгилочар ва оммабоп нашрларнинг «юки», салмоғи ҳаминқадар эканлигидан ранжиш ҳам ўринсиз. Ҳамма гап ҳар бир нашрнинг ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда унинг моддий-иқтисодий асосларини йўлга қўйишда. Муаммонинг айни шу йўналишда қўйилишига биз 2002 йилнинг августида, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузада гувоҳ бўлган эдик. Ўшанда Президент, «Ўйлайманки, «Оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатларнинг асослари тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш масаласини кўриб чиқиш вақти етди» деган эди.

Бу сўзлар миллий журналистикамизда матбуотга, ахборотга бўлган қарашнинг янгиланаётганини, ўзгараётганини кўрсатади.

Айни пайтда Республикада рўйхатдан ўтган ОАВ сони 1000 га яқинлашмоқда. Уларнинг хили, тури, қиёфаси хилма-хил. Лекин ахборотга муносабатидан келиб чиқилса, уларни шартли равишда 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

— Ишни асосан бозор талабидан келиб чиқиб ташкил этаётган, яъни, «ахборот — биринчи навбатда товар» деган ақидага риоя қилаётган ОАВ.

— Муассиснинг мақсад-вазифаларини бирламчи ўринга қўяётган, яъни, «ахборотни кўпроқ тарғибот воситаси» сифатида кўраётган ОАВ.

— Биринчи ва иккинчи хил ёндошувни қоришиқ ҳолда олиб бораётган ОАВ.

Бу хил ёндошувларнинг қайси бири маъқул ё номаъқул мулоҳазадан ўзимизни тиямиз, зеро, бозор муносабатлари шароитида бу, ҳар кимнинг ихтиёри. Лекин кич-

кинагина мулоҳазамиз борки, уни ўртоқлашмасак ҳам бўлмайди.

Оммабоп ва оммабоп бўлмаган нашрлар орасидаги тафовут масаласи муаммо сифатида анчагина етилди десак ҳам янглишмаймиз.

Республика телевидениеси биринчи каналдан кўра «Ёшлар» канали кўрсатувлари бирмунча оммабоп. Республика радиосида ҳам вазият шундай. Газеталар борасида-ку, аҳвол барчага беш қўлдай аён: биргина «Даракчи»нинг адади беш-олтита «жиддий» газета ададидан ортиқ!

Бу қандай ҳолат? Ижобийми-салбийми? Табиийми? Нега бу ҳақда бош қотирмаймиз? Таҳлил, талқин қилмаймиз? Социологик тадқиқотлар уюштирмаймиз? Тегишли хулосалар чиқармаймиз? Холис тавсиялар бермаймиз?

Бадиий ижодда азал-азалдан асарлар жиддий ва оммабоп тоифага бўлинади. Шеърятда ҳам, мусиқада ҳам, тасвирий санъатда ҳам ва ҳоказо. Жаҳон журналистикасида бундай ёндошув илгаритдан бор, чунки эркин матбуот шароитида минг турфа нашр бозордан ўз ўрнини топиш илинжида уриниб ётаверади. Топгани — яшайди, топмагани — йўқ.

Мана шундай шароит мамлакатимизда мустақиллик йилларидагина вужудга келди. Яъни, бозор учун кураш муҳити яратилгани сайин, нашрлар сони орта борди. Бунда ўқувчи-муштариини «эгаллаш», «қўлга киритиш» бош муаммага айланди. Яъни, ким қанчалик кўп мухлис ортирса, марра — ўшаники!

Оммабопликни кўзлайдиган нашрлар омманинг истак ва талабларидан келиб чиқиб, йўл-йўналиш танладилар. Мисол учун, «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока» расман Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб ўз йўналишини белгиласа, сиёсий партиялар нашрлари ўз муассисларининг фаолиятини, дастурини ёритишга масъул. Гарчи мазкур нашрлар ҳам омма учун чоп этилса-да, том маънодаги оммавийлик даражасига эришолмайдилар.

Бунинг табиий ҳол эканлиги шундаки, аҳолининг аксарият қисми расмий ва жиддий воқеа-ҳодисалардан кўра енгил-елпи, кўнгилочар, дам олиш руҳидаги, ҳатто олдиқочдига мойил янгилик ва эрмакларга қизиқади. Бу фақат

Ўзбекистонда эмас, бутун дунёда шундай. Юксак дидли бадий тафаккур нуқтаи назаридан ёндошилса, жиддий асарлар ҳеч қачон оммалашмаганидек, том маънодаги оммабоп асарлар ҳеч қачон мумтоз асарлар сафига кўтарила олмайди.

Журналистикада ҳам шундай. Фақат бир мулоҳазамизни айтиш жоизки, «сариқ матбуот», «қора матбуот», «хиёбон матбуоти» сингари камситиш оҳангидаги зўраки ўхшатишлар ноўрин. Ҳамма гап истеъмолчининг диди, савияси, талаби ва қизиқиш доирасида! Ана шу талабни ўрганиб, шу талабни қондиришга мослашиш орқали ахборот бозоридан ўрин эгаллаган газета, радио-телевидение каналларини камситиш юмшоқ қилиб айтганда, одобга, маданиятга зид.

Нима, кенг омма эътиборини «жиддий» ё расмий нашрларга қаратишнинг иложи йўқми?

Бор, фақат, бу, алоҳида муаммо.

«Одамлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб тополмаган, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишни сўраб мурожаат қилганда ёрдам ололмаган матбуотдан ҳеч қачон рози бўлмайди». («Халқ сўзи», 1998 йил, 24 ноябрь.) Таниқли журналист, ҳозирда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг бош муҳаррири Сафар Остоновнинг бу сўзлари «жиддий» газеталаримизнинг кенг оммалашуви-га тўсқинлик қилаётган қатор муаммоларга эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам оммабоп, кўнгилочар нашрлар ўз муштарийларининг конкрет ҳаётий муаммоларини ҳал этиб беришга даъво қилишмайди, арзномалар билан шуғулланишмайди, «жиддий» нашрлар эса зиммаларидаги айни шу сингари масъулликни ҳамма вақт ҳам қониқарли адо этавермайдилар. Бундай нашрлардаги ўта расмийчилик, тил қашшоқлиги, оддий кишиларнинг ўй-фикри, орзу-интилишлари руҳидан йироқлик, устига-устак, кенг халқ оммасининг оғирини енгил қилишга эътиборсизлик газета оммалашуви-га тўғоноқ бўлаётган бош сабаблар дейиш мумкин. Ҳатто, оммавий ахборот воситаларига ишончсизликнинг зўрайиши, улардан кўнгил совушига сабабни ҳамкасбларимиз ўз фаолиятларига ёндошувда йўл қўяётган камчиликлардан излаш тўғрироқ бўлади.

Бир тоифадаги нашрлардан кўнгли совуган омма «йўқдан кўра» қабилида иш тутиб, кўнгилочар, эрмак нашрларга чалғишдан ўзга чора тополмаётган экан, бундай ҳолат хусусида биз, журналистларнинг ўзимиз ўйлашимиз, жиддий қайғуришимиз — профессионал бурчимиздир! Соҳамизга доир мавжуд қонунлар моҳиятан оммавий ахборот воситалари ва матбуотнинг том маънода оммабоплигини таъминлашга қаратилганки, улардан тўғри фойдаланиш, яна ва яна ўзимизга боғлиқ.

Ахборот фақат тарғибот-ташвиқот воситаси, деган тунучага давр «тузатиш» киритаётганини айтдик. Бироқ энди мутлақо бошқа қутбга ўтиб кетиб, матбуотни фақат бозор талаблари асосига қуриш, яъни фақат бозор кўтарадиган ахборот бериш тўғри деган кайфиятга ҳам унчалик қўшилиб бўлмайди. Олтин меъёрни унутмаслик, ўрта йўлни танлай билиш ҳақида бормоқда сўз.

Такрор айтамикки, ким қайси ақида ёки тамойилни маъқул кўриши ҳар кимнинг ҳаётий, касбий тажрибасига ҳавола, лекин Юртбошимизнинг Парламент қўшма мажлисидаги маърузасида, «Биз матбуот ва ахборот эркинлигининг кафолатини бозор муносабатларию ахборот майдонида **соғлом рақобат тамойилларининг** ривожланишида кўрамиз» деб айтган сўзлари биз назарда тутаётган меъёр ва мувозанатни сақлаш борасида жуда қўл келади.

Республикамиздаги ОАВ соғлом рақобат муҳитида фаолият юритиши учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий замин яратилмоқда. Маълумот сифатида айтадиган бўлсак, «Оммавий коммуникациялар соҳасидаги иқтисодий муносабатлар асослари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Унда соҳамизнинг ҳар битта бўғинидаги фаолият тури қатъий шартномалар асосида йўлга қўйилиши белгилаб берилмоқда. Нашрни таъсис этиш, бунда муассиснинг мақоми, бош муҳаррирнинг, ижодий ходимларнинг, матбаа корхонасининг мақомлари алоҳида-алоҳида белгилаб берилмоқда. Молиялаштириш, даромад манбалари, жумладан реклама бериш тартиблари иқтисодий нуқтаи назардан қонунлаштирилмоқда.

ОАВ ва матбуот тизимини эркинлаштириш фақат ҳуқуқий-сиёсий муаммо десак янглишамиз. Масаланинг

ижтимоий, илмий, техникавий, маънавий-ахлоқий, стратегик асосларини ҳам бирон лаҳза эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Қоғоз ва матбуот жиҳозлари таъминоти соф иқтисодий муаммодек туюладию, аслида эса бунинг илмий, техникавий, стратегик аҳамиятлари ҳам ниҳоятда катта.

Ёки бўлмаса, кўринишдан жуда оддий туюлган манзарани кўз ўнгимизга келтирайлик: оддий мухбирнинг иш қуроллари яқин-яқингача нималардан иборат эди?

Ён дафтар ва қалам эди, холос!

Энди-чи? Мухбирнинг қўлида диктофон, фотоаппарат, рақамли фотоаппарат, уяли телефон. Иш столида яна телефон, компьютер, факс ва ҳоказо. «Оддий ходимнинг автоматлаштирилган иш ўрни», «Раҳбар ходимнинг автоматлаштирилган иш ўрни» деган тушунчалардан эндиликда истаймизми-йўқми, кўз юмолмаймиз.

Бундай янгиланишлар ўз-ўзидан юз бермайди, албатта.

Ҳамонки, биз ахборотлашган жамият барпо этаётган эканмиз, бу борадаги ҳам ҳуқуқий, ҳам сиёсий, ҳам илмий-техникавий, ҳам малакавий, ҳам маънавий-маърифий ва албатта иқтисодий муаммоларни ҳам бирма-бир барта-раф этиш йўлидан боришимизга тўғри келади. Мазкур муаммоларни муҳим-номуҳимга ажратиб бўлмайди. Улар бир занжирнинг ҳалқалари янглиғ ўзаро чамбарчас боғлиқ. Лекин Юртбошимиз айтганидек, масаланинг моддий-иқтисодий заминини яратмай туриб, бошқа мақсадларга эришиш бирмунча мураккабдир.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИ ВА АХБОРОТ МАКОНИ

Яна қўшма мажлисдаги маърузадан келтирилган иқтибосга мурожаат қиламиз: «Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар олишни... кутади».

Ҳолис ва тезкор ахборот олиш, айтиш мумкинки, миллий журналистикамизнинг энг жиддий муаммоларидан бири десак муболаға бўлмайди. XXI асрда яшаётган замондоши-

миз учун ахборотнинг аҳамияти сув ва ҳавонинг аҳамиятидан кам эмас. «Дунё — ахборот макони» тушунчаси онг ва шуурларга шу қадар чуқур сингиб кетдики, дунё ҳамжамиятининг ҳақли аъзоси — субъектига айланиш истагидаги ҳар қандай давлат ва шу давлат фуқаролари мазкур ахборот маконидан мустаҳкам ўрин эгаллашининг аҳамиятини сўз билан таърифлаш қийин.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн-ўн беш йилида дунё миқёсида юз берган оламшумул тарихий ўзгаришлардан келиб чиқиб, ҳозирда биз яшаб турган XXI асрга камтаргина «Ахборот асри» дея ниҳоятда муносиб таъриф берилди. XX асрнинг сўнгги чорагида ҳам дунё ахборот оқимининг шиддати кучли эди, бу шиддат йил сайин кучайиб борди. Инсоният навбатдаги асрга ахборот оқими тезлигида сакраб ўтди ва янги аср уни нафақат янада шиддатлироқ, балки ахборот оқими ахборот тўфонига айланган ҳолда қаршилади. Оммавий ахборот воситалари ва ҳоказо коммуникация имкониятлари шу қадар ривожланиб кетдики, ахборот оқими зўрайгани устига эндиликда у чек-чегара билмай қолди.

Ўзбек матбуотининг демократлашуви дунё ахборот маконининг ана шу тариқа глобаллашуви даврига, «жаҳон журналистикаси», «сарҳадсиз журналистика» тушунчалари таомилга дадил кириб келаётган даврга тўғри келди.

Маданиятли инсоният дунё халқларининг бир бутунлигини, дунё мамлакатлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг энг оқил усули сифатида халқаро қонунчилик тажрибасини яратган. Ҳеч бир инсон бир-бирига ўхшамаганидек, давлатлар, мамлакатлар, уларда яшаётган халқлар ҳам мутлақо ўзига хос жиҳатларга бой. Ижтимоий-сиёсий, маданий, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатлардан бир-бирига мутлақо ўхшамайдиган, тараққиётнинг турли босқичларида яшаётган мамлакатлар ички шарт-шароитидан қатъи назар, глобал ҳамкорлик муносабатларининг бир субъекти сифатида умумжаҳоний жараёнларда иштирок этмаслиги мумкин эмас. Муносабатга киришиш учун эса муайян умумий қонуниятларга, битишув, келишув ва аҳдлашувларга бўйсунишга тўғри келади. Бундай муносабатларни тартибга солиб турувчи, умумалолат ва умуммувозанатни таъминловчи халқаро ҳужжатлар эса ниҳоятда кўп.

Ахборот глобаллашуви муаммолар муаммоси даражасига кўтарилди. Бунинг ўзига хос объектив сабаблари, омиллари бор. Чунончи:

— дунёда энг инсоний жамият барпо этишнинг бирдан-бир оқилона йўли ҳуқуқий-демократик давлат куриш эканлигини тушуниш ҳар қачонгидан кучайди;

— ҳуқуқий-демократик жамиятнинг бош белгиси ва шартларидан бири оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги эканлигини инкор этиш мумкин бўлмай қолди;

— тараққий этган етакчи мамлакатлар матбуотини эркинлаштириш соҳасида эришилган илғор тажрибаларни узоқ-яқин давлатларга тарқатиш имкониятлари осонлашди ва кўпайди;

— дунё мамлакатларидаги матбуот эркинлиги аҳволи ва даражасини халқаро миқёсларда кузатиш, баҳосини бериш ва шу асосда муайян мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида дунё жамоатчилиги фикрини шакллантириш одат тусига кирди.

Санаб ўтилган ҳолатлар ҳам дунёнинг яхлит ахборот маконига айланишини жадаллаштирмоқда.

Глобаллашув жараёнининг барча ижобий ва муқаррар фазилатларини эътироф этган ҳолда унинг ниҳоятда хушёрлик ва зукколик билан ўйлаб кўрадиган жиҳатлари ҳам оз эмас. Масалан, глобаллашув шиддати соясида «миллийлик узоққа бормайди» қабилидаги қарашлар ҳар қандай миллат журналисти қатори ўзбек журналистини ҳам жиддий мушоҳадага ундайди. Кўплаб соҳаларда глобал ҳамкорлик муносабатларига фаол қўшилган давлатлар ҳам ОАВ тизимининг глобаллашуви ғоясини қўллаб-қувватлашга ошиқмаётганликлари ўзбек журналистларини ҳам яна бир карра хушёрликка ундайди.

Лўнда қилиб айтганда, ўзбек журналисти азалий миллий қадриятларимиз глобаллашув тўфонлари орасида йўқолиб кетишига йўл қўймайди. Ҳар қандай ижобий умуминсоний қадрият, қонун ва ҳуқуқ талабларини ҳурмат қилгани ҳолда уларни ўз халқимиз миллий қадриятлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолашни, тарғиб-ташвиқ этишни ўз касбий одоби талаби деб билади.

Ана энди ҳақли савол туғилади: мана шундай шароитда ички ва ташқи ахборот маконидан жой олиш, унга эгалик қилиш, бу маконда ўз сўзига эга бўлиш қай тариқа амалга ошади? Президент таъкидлаган «мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборот олиш» тизимини яратиш учун ҳам мазкур саволга жавоб излашимизга тўғри келади.

Жамиятни бир тирик организм деб тасаввур қилсак, оммавий ахборот воситаларини организмдаги қон томирларига, ахборотни эса — мана шу қон томирларида тўхтовсиз ҳаракатда бўладиган қонга ўхшатиш мумкин. Тириклик ва соғломликнинг асосий шарти эса — барча аъзоларнинг, ҳужайра ва тўқималарининг қон билан етарлича ва узлуксиз таъминланишида кўринади. Замонавий инсоннинг маънавий-мафкуравий, фуқаро сифатидаги тириклиги, соғломлиги эса унинг ахборот билан нечоғли тўқис таъминланганлиги билан белгиланади.

Бундай шароитни мамлакатдаги ички ахборот макони яратади.

Республикамизда ички ахборот маконини яратувчи асосий воситалар — телевидение, радио, газета, журнал. Бунга аҳолининг умумий сонига нисбатан анча оз бўлса-да, аста-секин кўпайиб бораётган ахборот-коммуникация воситаларини, яъни Интернет тармоғи, компьютер, телефон, уяли телефон, факс ва ҳоказоларни қўшиш мумкин. Шуларнинг бари салкам 26 миллионлик аҳолининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондира олаётими?

Аҳолининг аксарият қисми ахборотни, асосан, телевидение ва радиодан олади. Республика аҳолисининг неча фоизи телевизор кўриши ва радио тинглашидан қатъи назар, унинг қамровини қониқарли дея олмаймиз. Қолаверса, кўриш, эшитишдан кўра, бевосита ўқиш орқали олинган ахборот дунёқарашни кўпроқ бойитади, самарали бўлади.

Бу кемтикликни газеталар тўлдиради деб ўйлармиз. Афсуски, йўқ.

Биз мустақиллик йилларида газеталарнинг сони ортганини ижобий ҳолат сифатида кўп гапирамиз. Тўғри, лекин газеталар сонининг кўпайиши ҳали ахборот макони, ички-ташқи ахборотга бўлган эҳтиёж тўлиб-тошди деган гап эмас.

Рақамларга мурожаат қилинса, Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасининг нашри бўлмиш «Халқ сўзи» 30 000 нусха атрофида чиқади. «Правда Востока», «Қишлоқ ҳаёти» 10 000 атрофида. Сиёсий партиялар газеталарининг бир марталик адади 25 000 га етмайди (5 та газета!), «Хуррият» мустақил газетаси нари борса, 3000 дана босилмоқда.

Катта ёшдаги аҳолининг уч фоизига етиб борган газета тўлақонли оммабоп саналади деган мезон бор. Бундан келиб чиқилса, бизда бирорта оммабоп нашр йўқ ҳисоби. Бунинг оқибати аён, яъни чекка вилоят ва қишлоқлардагина эмас, йирик шаҳарларда ҳам газета кириб бормайдиган хонадонлар, оилалар истаганча топилади.

Худди шундай ҳолатни вилоятлар миқёсидаги ахборот маконида ҳам кўриш мумкин.

Сўнгги йилларда вилоятларда газеталар сони ортди. Сон ортди, лекин умумий адад озайди. Дейлик, вилоятда ўртача 1,5—2 миллион аҳоли яшайди, газеталар сони 30—40 тага етади-ю, барча газеталарнинг бир сафарги ялпи адади 50 000 нусхадан ошмайди. Яъни, оммабоплик даражаси йўқ.

Аҳолининг ахборот билан таъминланиши, таъбир жоиз бўлса, «ахборотга тўйиниши» муаммосидан сўз очилганда, яна бир тенденция хусусида тўхталмай илож йўқ.

Кейинги йилларда вилоятларда маҳаллий нашрларнинг кўпайиши жойларда Республика миқёсидаги нашрларга бўлган қизиқишнинг пасайишига олиб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири газетага бўлган умумий қизиқишнинг сусайгани бўлса, иккинчи сабаб аҳолининг обуна қуввати камайгани билан боғлиқ. Чунки маҳаллий бир-икки газетага обуна бўлган киши ёки оиланинг умуммиллий газетага обуна бўлиш имкони ҳам, эҳтиёжию рағбати ҳам қолмайди. Бундай ҳолнинг оқибати жиддий: биринчидан, мамлакат миқёсида тарқатилаётган янгиликдан беҳабарлик ортади, иккинчидан, маҳаллий аҳолининг фикрлаш доираси, савияси, қўлами маҳаллий нашрлар даражасидан кўтарилмайди. Бори-га кўникиш, боридан қаноатланиш кучаяди. Бу ҳол умумий савиянинг пасайишига олиб келишидан ташқари, демократик жамиятнинг энг муҳим шартларидан бўлмиш — аҳолининг ижтимоий пассивлашувига, жамият миқёсида кечаётган жараёнларга бепарволикнинг ортишига олиб келади.

Газеталарнинг ададини ошириш, яъни обуначиларни кўпайтириш борасида шўролар замонидан мерос қолган юқоридан кўрсатма бериш одати ҳамон сақланиб қолаётгани мутлақо ярамайди. Бу услубнинг энг зарарли жойи шундаки, муштарий кўпаяди-ю, газетадан... ўқишдан бошқа мақсадлардагина фойдаланилади.

Газетанинг талашиб, қўлма-қўл бўлиб ўқилишига эришишнинг ягона йўли матбуот ўз зиммасидаги бош ижтимоий вазифани адо этишига — ҳокимият билан жамият ўртасидаги воситачилик вазифасини адо этишига, аҳолининг кенг қатламини ҳокимият ва ҳоказо соҳалар, бўғинлар, табақалар устидан назоратчилик бурчини адо эта билишига боғлиқ.

Фуқаролик жамиятида кенг жамоатчилик жамиятда кечаётган барча жараёнлардан бирдек бохабар бўлиши, уларда ўз нуқтаи назарлари билан иштирок этиши зарур. Матбуот жамият ҳаётининг назоратчисига айланмоғи шарт.

Савол бериб кўрайлик-чи: миллий матбуотимиз мана шундай мақомга кўтарила олмоқдами?

Афсуски, йўқ.

Республикамиз мустақиллик даври тараққиётининг энг мураккаб давларини бошдан кечирмоқда. Улуғвор ютуқлардан тортиб, таассуфлар бўлсинким, қонли фожиаларгача кўз ўнгимизда юз бермоқда. Кишилар, тафаккурлар янгиланмоқда. Шундай бир пайтда нима сабабдан кундалик матбуотимизда қарама-қарши фикрлар, зиддиятли баҳс-мунозаралар кўринмайди, чиқмайди? «Аммо, — деб урғу берилди Юртбошимизнинг 2002 йил 26 июнда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига касб байрами муносабати билан йўлланган табригида, — қўлга киритган марралар билан бир қаторда, қанча-қанча одамларимизнинг норозилигини уйғотаётган, жамиятимизни орқага тортаётган муаммо ва нуқсонлар, йўл қўйилаётган камчилик ва хатолар мавжудлиги ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Энг муҳими, жамиятимиз фақат бир хил қарашга, тушунча ва тафаккурга эга бўлган одамлардан иборат, деб ҳисоблаш катта хато бўлур эди.

Шундай экан, ўзимизга бир савол берайлик: мана шундай турли хил қарашлар, ўзаро қарама-қарши бўлган фикр-

лар матбуотимиз, оммавий ахборот воситаларидан ўзига ўрин топаяптими?»¹

Гап шунчаки баҳс-мунозарада эмас, кенг маънодаги диалогда!

Матбуот жамият аъзоларини диалог кайфиятида, руҳида тутиб турмоғи лозим. Токи, фикрлар қайроғи, қарашлар ва нуқтаи назарлар чархланиши тинимсиз ва муттасил давом этсин! Бир хил фикрлилар жамияти учун матбуотнинг ҳожати қолмайди, ахир!..

Атоқли рус адабиётшуноси М. Бахтин жамиятда кечадиган ахборот алмашинуви, ҳамкорлик жараёнлари ҳақида, «Мулоқот юритяпсанми, демак, ҳаётсан. Мулоқот тўхтаган жойда ҳамма нарсa тугайди. Шу боис моҳиятан мулоқот зинҳор тўхтамайди, тўхтамаслиги ҳам керак» деб ёзган эди. Унинг фикрича, мулоқот чоғида икки томонлама жараён кечади, яъни тингловчи гапирувчига нисбатан фаол позицияни эгаллайди ва «тингловчи гапирувчига айланади»².

Назаримизда, бизнинг матбуотимиз саҳифаларида эълон қилинаётган чиқишлар — гапирувчилар кўп-у, уни фаол тингловчилар — яъни ўқувчиларнинг гапирувчига айланиши жуда-жуда суст. Аҳолини, оммани гапирувчига, яъни фикр айтувчига айлантира олмаётган матбуот, бизнингча, том маънода оммалашмайди ҳам, ахборот маконини қўлга ололмайди ҳам. Оқибати эса аён — Президент айтмоқчи, воқеа-ҳодисалар ҳақида холис ва тезкор ахборот беришда ташаббус бегона ва ёт қўлларга ўтиб кетади. Жамиятдаги айни шу бугунги кун учун энг долзарб, энг қайноқ муаммолар матбуот саҳифаларида очиқ-ошкора мунозара мавзусига айлантирилсин, унда истаган фуқаро мутлақо шахсий қарашларини баён этсин, бундай нашрни махсус тарғиб қилишнинг, бундай нашрга зўрма-зўраки обуналар ташкил этишнинг зинҳор ҳожати қолмайди.

¹ Ислom Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. — Т.: «Ўзбекистон». 2002 йил, 394-бет.

² М. Бахтин. Эстетика словесного творчества. М.:1979 йил, 246-бет.

ЖУРНАЛИСТ ТЕКШИРУВИ

Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1997 йил апрелида қабул қилинган «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддаси «Журналист текшируви» деб аталади. Модда «Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга» деб бошланади. Мана шу гапнинг ўзи мунозарага чорлайди.

Журналист ҳар қандай мақола, ҳатто икки энлик ахборот ёзиш учун ҳам биринчи навбатда ахборот тўпламайди-ми? Тўплайди. Таҳлилий-танқидий мақолалар ёзиш ниятида текширув ўтказмайди-ми? Ўтказади. У ҳолда тилга олинган қонуннинг, ундаги 9-модданинг янгилиги, «кашфиёт» эканлиги нимада? Қонун журналистларимизнинг азалий фаолиятини, жумладан, эмин-эркин ахборот тўплаши ва текширув ўтказишини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди. Барча соҳаларда қонун устуворлигини қарор топтиришга киришилган жамиятда бундай ҳуқуқ журналист учун, айтиш мумкинки, чексиз имкониятлар очади. Имкониятларнинг бу қадар кенгайиши туфайли ҳурлик соҳибига айланган журналист исталган соҳада, исталган мавзу ва йўналишда ахборот тўплашга ва текширув бошлашга киришиши мумкин.

Яна савол туғилади: журналист қандай мақсадларда ахборот тўплайди ва текширув ўтказади?

Биринчи навбатда, ёзиш (кўрсатиш, эшиттириш) мақсадида!

Модданинг кейинги хатбошисида журналист текширувининг натижаси тўғрисида сўз боради. Яъни, «журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга» ҳақли. Шунингдек, текширув натижаларини журналист «давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин». Бу гап ҳақиқатга қанчалик тўғри келади? Ахир ҳеч бир журналист маҳорати, куч-ғайрати, фурсатини сарфлаш эвазига тўплаган текширув натижаларини қайсидир ташкилот ёки мансабдор шахсга икки қўллаб тутқазмайди-ку! Тақрор айтамиз: у мат-

буотда эълон қилиш учун текширув ўтказади ва мақола ёзади! Башарти бирор юқори идора ёки тегишли ташкилотга топшириш нияти бўлган тақдирда ҳам ёзганларини дастлаб ОАВда эълон қилади, шундан сўнгра унинг нусхасини тегишли идора ҳукмига ҳавола этади. Шундагина у чинакам маънодаги журналист текширувини ўтказган ҳисобланади.

Гап шундаки, журналист текширувидан кўзда тутилган бош муддао жамиятнинг бирор соҳасидаги, жабҳасидаги мавжуд муаммога кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш! (Бордию, текширув натижалари ОАВда эълон қилинмай, кимгадир ёки қаергадир топширилса, муаммо кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилмагани учун ҳам том маънодаги журналист текшируви ҳисобланмайди.) Матбуот сўзининг эркинлиги ҳам, цензуранинг йўқлиги ҳам, жамият ахборотлашган ва фуқаролик жамиятига айланаётганининг муҳим белгилари, талаблари ҳам шундан иборат. Иккинчидан эса, журналист муаммо объекти билан тегишли идора, ташкилот ўртасида воситачилик вазифасини ўтайди. Муаммо ва уни бартараф этиш оралиғидаги занжирнинг марказий ҳалқасига айланади. Демак, юқорида номи зикр этилган қонуннинг 9-моддаси журналист ўз зиммасидаги мазкур икки миссияни хавфу хатарсиз амалга оширишини ҳам хифзи ҳимоясига олган. Яъни, «Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас».

Дарҳақиқат, журналист тўплаган маълумотлар унинг шахсий мулкига айланади, шахсий мулк эса дахлсиз. Ушбу дахлсизлик мақоми журналистнинг жамиятдаги мавқеини янада оширади, унинг тилини бийрон, қўлини узун ва оёғини чаққон қиладиган куч ҳам ана шу дахлсизлик ҳуқуқидир.

Мухтасаргина 9-модданинг мазмун-моҳияти, асосан, шулардан иборат. Қонун қабул қилингандан буён ўтган йиллар мобайнида журналист текшируви кўпгина нашрларда руқн сифатида назарга тушиб улгурди. Мазкур руқн остида эълон қилинган мақолалар кўпроқ эътиборга тушмоқда, баҳс-мунозаралар уйғотмоқда. Диққатга сазовор жойи шундаки, журналист текшируви йўналишида ёзадиган, шунга ихти-

сослашаётган журналистлар бошқа мавзуларда ижод қиладиган ҳамкасбларидан ажралиб кўринмоқда.

Шу ўринда бир ҳақиқатни тан олишга тўғри келади, яъни журналист текширувининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари миллий журналистикамизда азалдан мавжуд эканлигини инobatга олган тақдиримизда ҳам ҳозирги тушунчадаги журналист текшируви амалиётимизга ҳам, журналистика назариямизга ҳам «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун шарофати билан кириб келди.

Журналист текшируви хорижда бир асрлик тарих ва тажрибага эга деган маълумотлар мавжуд. Унинг назарий муаммоларига бағишланган илмий адабиётлар ҳам талайгина. Бизда дастлабки бундай изланишлар журналист ва ҳуқуқшунос К. Баҳриев қаламига мансуб. «Инглиз-саксон журналистикаси орқали посткоммунистик журнализм майдонига кириб келаётган «журналист текшируви» ибораси гарчанд ўзбек журналистлари учун янги бўлса-да, — деб ёзади у, — жараённинг ўзи янгилик эмас». Таниқли олим, профессор Ф.Мўминов ушбу мавзуга бағишланган китобча нашр эттирди. Матбуотшунос Т. Раҳматуллаев қатор чиқишларини мазкур мавзуга бағишлаб, журналист текширувини «жанр кўринишини олиб бораётган» деб таърифлайди ва «журналист текшируви деярли барча мамлакатларда мустақил жанр сифатида қабул қилингани»ни алоҳида таъкидлайди. Бундай қарашларга мойиллик ёш тадқиқотчилар чиқишларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Жаҳон журналистикасида қандай қарашлар шаклланганидан қатъи назар, бир ҳақиқат аёнки, бизда бу жанр ҳозирча тўла маънода шаклланиб улгургани йўқ. Аниқроғи, тўлақонли жанр даражасига кўтарилмади.

Бунинг сабабини журналист текширувининг ўзига хос хусусиятларидан излашга тўғри келади. Журналист текширувининг бош хусусиятларидан асосийси кўпчилик манфатига зид бўлган, лекин кенг жамоатчиликдан ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони атрофлича ва асосли ўрганиб, уни фoш этишдан иборат. Бу борада мубоҳаса ортиқча. Лекин журналист текшируви муаллифи ўз мақоласи қаҳрамонлари сафида туриши, у маълумотларни, асосан, ўзи тўплаши ҳамда мақолада ўзи дуч келган қийинчилик ва

Хулоса шундайки, ўта зарур ахборотни вақтида ва ба-тафсил ола билиш маҳоратини тиш суғурувчи стоматолог шифокор маҳоратига қиёслаш мумкин. Ахборотни шундай усталик билан қўлга киритингки, токи ахборот манбаи-нинг дили ҳам оғримасин, у ранжимасин ҳам, билганлари-ни сиздан яширишга уринмасин ҳам. Қолаверса, раҳбар шах-слар билан учрашиш, суҳбатлашиш, савол-жавоб қилиш ма-даниятини ўзлаштирмай туриб журналист текширувини эплайман деган журналист қаттиқ янглишади. Баъзан мух-бирларимиз, «Фалон ташкилот раҳбари хузурига борган-дим, қабул қилмади» деган мазмунда ёзғиришади. Ўша раҳ-барни ахборот беришдан ўзини олиб қочдига чиқаришади. Бир зум ошиқмайлик, мухбир жаноблар, ўша раҳбар сиз-нинг ташрифингиздан бохабар эдими? Учрашув вақти, мав-зуси келишилган эдими-йўқми?.. Тўппа-тўсатдан кириб кел-ган мухбир гина қилмаса ҳам бўлади ахир, чунки катта-дир-кичикдир раҳбарнинг ўзига яраша иш-ташвиши бошидан ошиб ётган бўлади, банд бўлади.

Журналистларимиз орасида, «Биз текширувчи эмасмиз-ку!» деган тушунча ҳам юради. Назаримда, бу унчалик тўғри эмас. Тўғри, у прокурор, солиқчи ё нозир эмас, лекин қай-сидир камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва уларни кенг оммага ошкор этиш ниятида ҳужжатларни титкилаш, раҳ-барга қўндаланг саволлар ёғдириш ҳам текширув бўлмай, нима? Юқорида тилга олинган қонуннинг 9-моддаси «Жур-налист текшируви» деб аталгани ҳам ўз номи билан текши-ришни англатмоқда-ку.

Кези келганда, яна бир нордонроқ ҳақиқатни очиқ тан олишга тўғри келади. Биз қонуний жамият қурапмиз, қонун талаблари асосида яшашга ўрганияпмиз. Лекин, бу, ҳамма каттаю кичик қонунни сув қилиб ичиб юборди дегани эмас, кишиларимиз онгида, олатида қонундан кўра муомала, мурсага мойиллик анча кучли. Шундай экан, бирон жойга борганда, айниқса танқидий руҳдаги мақола ёзиш истаги билан мурожаат қилганда дабдурустдан қонун ва унинг мол-даларини рўқач қилиш сизу биз кутган самарани бермайди.

Ҳар қандай ҳолат учун бирдек тавсия бериш қийин, лекин шуниси аниқки, журналист ҳар бир конкрет ҳолат-вазиятдан келиб чиқиб, бамисоли моҳир тиш суғурувчи

шифокор янглиғ иш тутса, ҳар қандай ҳолатда ҳам энг сирли маълумотни, ахборотни — «жон»ни оғритмайгина қўлга киритиши мумкин.

Тугал маънодаги журналист текширувининг кенг йўлга қўйилгани матбуотнинг «тўртинчи ҳокимият» мақомига кўтарилган-қўтарилмаганини, муайян жамиятнинг эркинлик даражасини, фуқаролик жамияти қурилган-қурилмаганлигини белгиловчи муҳим кўрсаткич ва мезонлардан ҳисобланади. Юқорида халқдан ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони батафсил, холис ўрганиб, унга жамоатчилик диққат-эътиборини қаратиш журналист текширувининг бош хусусиятларидан бири эканлиги айтилди. Муаммо ечимларини кўрсатиш, унга тўғоноқ бўлаётганларни фош этиш — ғоят муҳим масала!

Журналист текширувининг ана шундай умумий талабларига жавоб бера оладиган мақолалар тобора кўпайиб бормоқда. Аини вақтда шу борада айрим мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

Газеталаримизда эълон қилинаётган журналист текшируви йўналишидаги мақолаларда асосан битта конкрет ҳолатни — бир шахс ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисани ёки бирор муаммо билан боғлиқ ҳолатларни батафсил ўрганиш тажрибаси кенг оммалашган. Бундай уринишларни камситмаган ҳолда, айтиш лозимки, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва иллатлардан умумлашма хулосалар чиқариш, унга жамоатчилик эътиборини қаратиш журналист текширувининг нуфузини, пировардида матбуот сўзининг салмоғини оширган бўлур эди. Умумлашма хулоса ясай олмаслик ёки бундан ўзини олиб қочиш, жамият ва мамлакат, умуммиллий миқёсларда фикр-мулоҳазаларни дадиллик билан ўртага ташлай олмаслик оқибатида журналист текшируви чала текширув даражасида қолиб кетмоқда.

Журналист текширувиге ихтисослашаётган қаламкаш ҳамкасбларимиз ижодига ҳос энг жиддий қусурлардан бири ҳам шу.

Журналист текшируви йўналишида қалам тебратишга ҳар қандай журналист ҳам жазм этавермайди. Вилоят ва туман газеталарида ушбу руқнинг сийраклиги шундан далолат беради. Ҳар қалай, ушбу руқ талабларига жавоб бўларли ма-

қолаларнинг кўплиги нафақат матбуот сўзининг, шу билан бирга жамиятимизнинг эркинлашаётганидан, раҳбар ходимларда асосли танқидга кўникиш туйғуси шаклланаётганидан далолатдир. «Аччиқ, аммо очиқ гаплар», «Бугуннинг гапи», «Тафсилот», «Тарози» сингари рукнлар остида эълон қилинган аксари мақолалар ёзилиш услуби, муаммога ёндошуви, муаллиф нуқтаи назари, айниқса фош этиш иштиёқининг зўрлиги билан журналист текширувига ўхшайди.

Журналист текшируви жараёнида тўпланган факт ва маълумотлар, айниқса уларнинг мақолада фойдаланиладиганлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлишига жиддий аҳамият берилади. Журналист текширувида ҳатто муаллифнинг эҳтиросларига ҳам ҳужжатий асос керак деган ҳазиломуз гаплар юради. Ижобий ҳолатни кучайтирувчи, салбий ҳолатни тасдиқловчи ҳар бир маълумот қиёсий таҳлилдан ўтказилади. Тадқиқот бошланади. Унга мантиқий мулоҳазалар қўшилади. Тезис — анализ — синтез триадаси қўл келади ва ҳулоса, ҳукм чиқарилади. Ана шу жараёнлар силсиласида муаллиф шахси журналист текшируви марказига айланади. Ҳамма нарса ушбу «марказ»да бошланади, унда давом этади ва ниҳоясига етади. Барча саъй-ҳаракатнинг тақдири мазкур марказда ҳал бўлади. Мақола эълон этилгач, уни маъқуллайдиганлар, рад этадиганлар чиқади, муаллифга қарши очиқдан-очиқ курашга отланадиганлар топилади. «Журналистни, — деб ёзади «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, — у орқали жамоатчиликни чалғитишга, камчиликларни яшириб, оддий кундалик юмушларни, ўтказилган ҳар бир тadbирни, қабул қилинган ҳар бир қарорни улкан ютуқ сифатида олдингизга тўкиб ташлайдиган, танқид шабадаси бироз эсгудек бўлса ҳаловатини йўқотиб, жазавага тушадиган, иложи бўлса, мухбир билан «келишишга» ҳаракат қиладиган, гапга кўнмай қайсарлик қилса, орқасидан миш-миш тарқатадиганлар ҳам йўқ эмас».

Мана шундай ҳолатларда муаллиф нима қилади, ўзини қандай тутати ва навбатдаги ижодий изланишларни қай кайфиятда давом эттиради?

Гап журналист текширувига ихтисослашган журналистнинг, қолаверса, беҳаловат касбимизнинг қаттиқ номини

еб рўзгор тебратаётган журналистлар шахси ҳақида бормокда.

Санаб ўтилган жараёнларда кўндаланг келадиган тўсиқларни мардонавор ва беталафот енгиб ўтиш катта тажрибага эга бўлган, қатъиятли, курашчан, зийрак ва ҳатто шафқатсиз журналистларгагина насиб этади. Салгина чекиниш, бўш келиш эса барча уринишларни, тоат-ибодатни чиппакка чиқаради.

Ушбу йўлни танлаган журналистнинг шахси, шахсияти мақоладан-мақолага шаклланиб, тобланиб бораверади. Текширув натижалари эълон этилгач юз берадиган «жанг»ларда ғалаба қозонса хўп-хўп, мағлубиятга учраб қолган тақдирда ҳам у чекинмайди — қайта янги «жанг»га киришади. Журналистнинг қисмати, яшаш тарзи шундай, аслида.

Умуман, журналист текширувида холисликни сақлаш, бирор томонга оғмаслик, манфаатдор бўлиб қолишга йўл қўймаслик, мавжуд қонунларга суяниш журналистдан касб одобига ниҳоятда қатъий риоя этишни тақозо этади. Етти ўлчаб бир кесиш, ўйнаб гапирса-да, ўйлаб гапириш мазмунидаги ҳикматлар текширувчи журналистларимизни ҳаммаша ҳушёрликка даъват этиб турмоғи фойдадан холи бўлмайди. Биз журналистларимизнинг фаолияти ҳақида гапирганда, «жасорат» сўзини кўп тилга оламиз. Назаримда, билиб ёзиш, маҳорат билан ёзиш, уқмаганга ҳам уқадиган қилиб ёза билиш ҳам ижодий жасорат саналади.

Истагимиз ҳам — матбуотимизда ана шундай жасоратли чиқишларнинг кўпайишига эришиш, зеро, журналист текшируви ҳар қандай миллий матбуотнинг эркинлашувини жадаллаштиришнинг энг замонавий ва энг синалган маданиятли йўлидир.

КАСБ ОДОБИ

Манбаларда зикр этилишича, Европада ўрта асрларда дастлабки босма варақалар чиқа бошлагандаёқ сўз эркинлигига қаршилик кўрсатиш ҳоллари кузатилган экан. Ваҳоланки, ўша варақалар жамиятда юз берган янгиликларни тарқатган, холос.

Бу ўринда янгиликларнинг тарқалишига қаршилик кўрсатганларни кўр-кўрона қоралашга берилмай, масалани холисроқ тушуниш муҳимроқ. Гап шундаки, инсон табиатида янгиликдан чўчиш, ҳадиксираш туйғуси мавжуд. Айниқса, бир йўла кенг омма хабар топадиган ахборотнинг таъсир кучи ўн чандон ортиқроқ бўлади. Боз устига, ҳар ким ҳам ўзи ҳақидаги хоҳ ижобий, хоҳ салбий маънодаги ахборотнинг эл-юрт орасида ёйилишини бирдек қабул қила олмайди.

Бир сўз билан айтганда, кишиларнинг янгилик ва ахборотга муносабати, яъни ахборотни қабул қилиш маданияти инсоният тамаддуни тарихининг ниҳоятда муҳим, зиддиятларга тўлиб-тошган ғоятда мураккаб узвий бўлагини ташкил этади. Худди шу боисдан ҳам матбуот эркинлиги тева-рагидаги баҳс-мунозаралар, келишмовчиликлар тўхтамаган, бундан кейин ҳам тўхтамаслиги муқаррар.

XVII асрда яшаган инглиз шоири Жон Милтон парламентда нутқ сўзлаб, матбуот эркинлиги душманларини қаттиқ қоралагани замонавий маънодаги демократия учун курашнинг дебочаси сифатида эътироф этилади. Орадан анча сувлар оқиб ўтди ва демократия тушунчаси дунёни забт этди, эндиликда мамлакатларнинг тараққий топганлик, халқларнинг маърифатлилик даражаси сўз, матбуот ва фикр ҳурлиги даражаси билан белгиланмоқда. Диалектик қонуниятнинг бўйсунмас қондасини қарангки, эркинликнинг зидди бўлмиш аксилдемократия ҳам басма-басига ривожланишдан асло тўхтагани йўқ.

Эркинлик ва эрксизлик курашида адолат ким томонида деган муаммо алоҳида мавзу, аммо-лекин ҳамонки, матбуот ва журналистика ҳаёти шундай экан, мана шу мавжуд реалликда эмин-эркин яшаш ва самарали фаолият юритиш учун нима қилмоқ керак деган савол ҳеч қайси даврда кун тартибидан тушмайди. Жамиятда демократик принципларнинг аста-секин қарор топиши, қонуний асосларнинг мустаҳкамланиши зарурлигига шак-шубҳа йўқ. Лекин жамият миқёсида мана шундай янгиланиш жараёнлари кечаётган бир пайтда оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ўз соҳаларида қандай ислохотларни амалга оширишлари лозим?

Саволга жавоб тариқасида кўплаб долзарб муаммолар орасида муҳими бўлмиш журналистнинг касб одоби хусусида сўз юритиш зарур деб ўйлаймиз.

Журналистика ва оммавий ахборот воситаларига дахлдор муаммолар шу қадар кўпки, даврлар ўзгариб, одамлар ва тафаккурлар янгилангани сайин ҳаёт мазкур соҳа кишилари олдида янада янгироқ, янада мураккаброқ вазифаларни кўндаланг қўяверади, бинобарин, уларни пешма-пеш бартараф этиш борасида, биринчи навбатда, журналистларнинг ўзлари бош қотиришлари керак.

Журналист якка шахсларга ҳам, жамият манфаатларига ҳам дахлдор касб соҳиби ҳисобланади. Бу билан унинг бурчи, вазифаси, масъулияти бир неча баробар ортади. Шу сабабдан ҳам унинг касбий одоби кишиларнинг одоби ва жамиятда тан олинган, эътироф этилган ахлоқ меъёрлари орасида вужудга келади, камол топади.

Ҳар қандай матбуот, у қаерда ва қандай шароитда мавжуд бўлмасин, реал ҳаётдаги барча ахборотни омма эътиборига етказишга ҳаракат қилади. Бу вазифани муайян даражада уддалаши билан демократик матбуот мавқеига эга ҳисобланади. Айни чоғда миллий хусусиятлар, қадриятлар, анъанаю одатлар ва ҳоказолар муҳит «об-ҳавоси»ни белгиловчи муҳим аҳамиятга эга. Умуминсоний ахлоқ бўлганидек, ахлоқнинг соф миллий ўзига хосликлари ҳам кўп. Журналистнинг касб одоби эса шу миллий ахлоқ-одоб меъёрлари билан ҳисоблашишга мажбур, чунки у ўз фаолияти билан муайян миллат вакилларига хизмат кўрсатади. Умуман, матбуот эркинлиги ва миллий менталитет, миллий қадриятлар мувозанатини сақлаш масаласида тез-тез баҳс-мунозаралар қўзғалиб туради. Фикримизча, бундай баҳс-мунозаралардан қочиш эмас, балки туғилган фикрларни, нуқтаи назарларни очиқ-ошкора ўртага ташлашгина масала-муаммоларга ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Нима сабабдан журналистнинг касб одоби муаммо сифатида энди-энди кун тартибига қўйилмоқда?

Саволга жавоб бериш учун қисман шўро даври матбуот тизимига экскурс қилишга тўғри келади. Замонавий ўзбек матбуоти ва оммавий ахборот воситалари вужудга келганига юз йилдан ошган бўлса, унинг тўқсон йили мустам-

лака даврига тўғри келди. Шунча йил мобайнида матбуот муттасил мафкуравий-ғоявий тазйиқ остида фаолият юритди. Матбуот ҳам, журналист ҳам юқоридан келадиган кўрсатманинг оммалаштирувчиси, унинг ижрочиси эди, холос. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврининг энг катта даҳшати шунда эдики, унда журналист шахси, унинг қалб тубидаги орзу-истаклари биринчи ўринга чиқиши мумкин эмасди. Журналистнинг ижодий маҳорати ҳам унинг фирқа топшириқларини нечоғли сидқидилдан адо этаётгани билан ўлчанарди. Шундай ҳолатда журналистнинг қандай ахлоқи, одоби хусусида сўз юритиш мумкин? Аниқ ва даққи мезонлардан бир қадам нари силжиши мумкин бўлмаган журналистнинг «одоби», «интизоми», ҳатто интизомсизлиги ҳам аниқ эди!.. «Яқингинада, олти йил муқаддам десак ҳам бўлади, — деб ёзади таниқли рус матбуотшунос олими Д.Авраамов «Журналистнинг касб одоби» китобида, — мамлакатимизда жуда тор доиралардагина журналист ахлоқи ҳақида гап-сўзлар юрарди, у ҳам бўлса, матбуотдан дакки еганлар эътибор қаратишарди бу муаммога». Агар мазкур китоб 1991 йили нашр этилгани назарда тутилса, рус журналистикасида ҳам ушбу муаммонинг ўрганилиш тарихи жуда-жуда ёш.

Объектив реаллик сифатида ўзбек матбуоти фақат мустақиллик йилларидагина журналистни шахс сифатида жамиятнинг ҳақли ва фаол аъзоси даражасига кўтарди. Мамлакатда оммавий ахборот воситаларининг сони кескин ортди. Сиёсий партиялар нашрлари, тармоқ ва идора нашрлари кўпайди. Газета, журнал, радио, телевидение шу қадар ривожландики, бу ҳолатда уларнинг барини шўро давридан мерос цензуралаш услубида жиловлаш мумкин бўлмай қолди. Тараққиёт цензурани енгди! Журналистни ташқаридан назорат қилиш эмас, уни ичдан тартибга келтириш тизими адолатлироқ, маданийроқ эканини дунё тажрибаси кўрсатди. Бундай шароитда кўпсонли матбуот соҳасини бошқаришнинг бирдан-бир чораси — соҳани эркинлаштириш эдики, Ўзбекистон аини шу йўлни танлади. Гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунда цензурага йўл қўйилмаслик алоҳида моддаларда баён этилганига қарамай, цензурага

амалда 2002 йилнинг май ойида Юртбошимизнинг шахсан саъй-ҳаракати билан амалда чек қўйилди!

Бу тарихий воқеанинг бошқа сабаблари ҳам бор, албатта. Дунё ахборот технологияларининг фавқуллоҳда ривожланиши ахборот глобаллашувига замин яратди. «Ахборот глобаллашуви» иборасини оддийгина қилиб ахборот чегара билмай қолди, деб изоҳлаш мумкин. Бу ўринда интернет журналистикаси мўъжизаларини тилга олиш kifoya. Интернет имкониятлари билан исталган ахборотни, исталган ҳажмда, исталган шакл-шамойилда дунёнинг исталган нуқтасига йўллаш имкони пайдо бўлди. Йўлланган бу ахборотни на тутиб, на тўсиб бўлади! Бундай имкониятнинг мўъжизакорлиги, фазилатлари қатори муаммолари ҳам оз эмаслигини мутахассисларгина эмас, оддий кишилар ҳам сезиб, билиб туришибди.

Мана шундай шароитда журналистнинг касб одоби муаммоларнинг муаммоси сифатида кун тартибидан ўрин олди!

Матбуотда эълон қилинаётган ахборотга таҳририят раҳбарияти, муассис муайян маънода масъул ҳисобланади. Интернет журналистикаси эса бундан деярли мустасно. Бундай аҳволда дунё ахборот майдонининг бош посбони — журналистнинг касбий одоби бўлиб қолади. Яъни, аудитория, тафаккурлар соғломлиги, қолаверса, ахборотга интиқ бутун дунёнинг тақдири журналистнинг касбий одобига боғлиқ бўлиб қолади! Журналистнинг ахборот узатиш маҳорати ва маданияти тўсатдан пайдо бўлмайди. Касбий маҳорат ва малака йиллар мобайнида шаклланидек, сайқалланиб, камол топади. Бир ҳақиқатни сира иккиланмай айтиш лозимки, журналистнинг ижодий маҳорати унинг касбий одобидан бошланади, ахлоқсиз-ориятсиз журналист ҳеч қачон маҳорат чўққисига эришолмайди!

Шу қадар ўзига хос касб эгасининг ўзига хос касб одоби бўлиши шарт эмасми? Журналистнинг касб одобини муаммо сифатида ўрганишнинг зарурати йўқ, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, жамиятда шу қадар катта таъсир кучига эга бўлган касб соҳиби эмин-эркин фаолият юритиши учун муайян касбий одоб меъёрларини аниқлаштириб олишининг нимаси ортиқча? Нимаси зарарли? Наҳотки, одобдан одобсизлик, профессионализмдан ҳаваскорлик аф-

зал кўрилса?! «Тараққий этган жамиятда, — деб ёзади Москва давлат университети журналистика факультетининг профессори Г. Лазутина, — ижод ҳар қандай бошқа касб-кор сингари институтлашади ва ихтисослашган характерга эга бўлади. Тараққий этган жамиятда ҳар қандай ижод тури икки хил шаклда ташкилланади: ҳаваскор ижод ва профессионал ижод шаклида. ... Унинг биринчиси муайян фаолият қонуниятларига стихияли ёндашса, иккинчиси мазкур қонуниятларни онгли равишда ўрганиш ва унга риоя этиш асосида мустаҳкамланади».

Кўринадики, журналистнинг ва шу қатори журналистиканинг профессионаллашуви айрим журналистларнинг хоҳиш-иродасигагина боғлиқ ички-хусусий жараён, истак ё майл эмас, балки ахборот олиш, жамиятни ахборотлаштириш, электрон ахборот воситалари тараққий этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган замонавий жамиятнинг ривожланиш, юксалиш йўлларида ва шартларидандир. Ижтимоий заруриятдир.

Матбуот бор жойда сўз эркинлиги ҳақида баҳс-мунозаралар бўлмай иложи йўқ. Журналист ижодининг табиати мутлақ эркинликка интилиш, десак ҳам янглишмаймиз. Афсуски, дунёнинг ҳеч бир мамлакатада давлат сирининг матбуотда ошкор этилишига йўл қўйилмайди, бунинг ўзига хос системалари ишлаб чиқилган. Ўзини она ватанининг садоқатли фарзанди деб билган журналист ватан ва халқ манфаатларига зид ишга қўл урмаслиги ҳам муқаррар. Бироқ матбуот эркинлигининг зарурлиги, муҳимлиги, серқатлам ва мураккаб тушунча эканлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар шу қадар кўпки, журналистикада тажриба орта боргани сари жамият, ҳуқуқ, матбуот ва демократия борасидаги қарашлар ҳам шаклланиб, теранлашиб боради.

Демократия — энг аввало, ҳолислик, мувозанат, муросадир. Фикрга мурося қилиш, фикрга тоқат қилишдир. Жамоатчилик фикрининг устуворлигига эришишдир. Демократия — муайян жамиятдаги миллионлаб кишиларнинг ҳаёти, турмуши ва тафаккур тарзини уйғунлаштирувчи яхлит бир системадир. Ҳолислик, инсон ва давлат манфаатларига путур етказмаслик, асоосиз ва исботланмаган ахборот

тарқатишдан сақланиш, сўз айтиш масъулияти ҳам эркинлик шартларидандир.

Аёнки, «фавқулодда ҳолатлар журналистикаси» деган ибора мутахассислар орасида кўп тилга олинади. Хорижий журналистика назарияси ва амалиётида бу мавзу муаммо сифатида кенг ўрганилади. Уруш ҳолатлари, табиий офатлар юз берган жойлардан хабар тарқатиш маҳоратининг ўзига хос талаблари мавжуд. Минг афсуски, кейинги йилларда жаҳон журналистикасида террорчилик хуружлари оқибатида даҳшатли фожиалар юз берган жойлардан ахборот тарқатиш алоҳида мавзу, алоҳида муаммога айланиб бормоқда.

2005 йилнинг 13 майига ўтар кечаси Андижон ана шундай фожа марказига айланди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузумига тажовуз уюштирилди. Қуролланган тўдалар икки ой муқаддам Қирғизистонда ҳукуматни қўлга олгани каби — табиий, чучварани хом санаб — Андижон вилояти ҳокимияти маъмурий биносини ишғол қилди. Қуролли босқинчилик, ўз хизмат вазифасини ўтаётган бегуноҳдан-бегуноҳ кишиларнинг отиб ташланиши, ҳибсхонада жазо муддатини ўтаётганларнинг очикча чиқариб юборилиши, бундан-да мудҳиш ҳаракат — оддий аҳоли вакилларининг «тирик қалқон»га айлантирилиши кўплаб бегуноҳ жонларнинг бевақт қурбон берилишига олиб келди.

Тажовуз вақтида бостирилди. Ўқ товушлари тиндию, ахборот хуружи авж олди. «Шу ўринда яна бир бор айтиш керакки, — дейди Президент Ислам Каримов, — аниқ бир марказ тарафидан ташкил этилган ва бошқарилган бу каби ахборот таҳдидлари мамлакатимизга четдан туриб таъсир ва тазйиқ кўрсатишга, бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтаришга уринишдан бошқа нарсаси эмас».

Ноҳолис ахборот манбалари ўз мухбирларини мамлакатимиздаги шарт-шароитларни фақат қора бўёқларда тасвирлашга сафарбар этди. Қонли фожа қурбонлари қолиб кетиб, улар оғзига келган тўхмат тошларини отишдан андиша қилмадилар. Мазкур «ахборот жанги» ўзбек журналистикаси учун ўзига хос катта сабоқ бўлди. Телевидение, радио ва газеталаримиз Ватанимиз сарҳадларидан ташқарига чиқиб кетган ушбу ахборот маконида дадил ва мардонавор туриб

бердилар. Масаланинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ва ҳоказо жиҳатлари нуқтаи назаридан баҳсга киришиб, хориждан уюштирилган ахборот хуружига бўш келмадилар.

Андижон воқеаси теварагида бўлиб ўтган ахборот жанги ҳам Юртбошимиз айтган воқеа-ҳодисалар ҳақида **холис ва тезкор хабар тарқата билишнинг** нақадар улкан аҳамиятга эгалигини амалда кўрсатди. Миллий информацион хавфсизлик, ахборот оламидаги устунлик, хусусан, мана шу сингари фавқулодда вазиятларда барча оммавий ахборот воситаларининг, барча журналистларнинг, қалам аҳлининг бир жон-бир тан бўлиб ҳаракат қилиши муҳимлигига ҳаёт бизни яна бир карра иқрор қилди.

Фарб матбуоти танқидга, Шарқ матбуоти олқишга мойил деган гапларга кўшилиб бўлмайди. Танқидга лойиқ аҳволни олқишлаш қанчалик гуноҳ бўлса, мақтовга лойиқ ҳолатни назар-писанд этмаслик ҳам журналистнинг касб одобига хилоф. Россия Федерацияси Краснодар ўлкаси губернатори А. Ткачевнинг куйидаги кинояси мана шундай ноҳолис мухбирлар қиёфасини яққол очиб берган. «Телевидениечиларга Кубанда мисли кўрилмаган ҳосил йиғишга эришилди, меҳнат қаҳрамонларини кўрсатинглар» дедим. Улар эса, «Бунинг кимга қизиғи бор, одамлар очликдан ўлган бўлса бошқа гап, кўрсатар эдик», деб жавоб қилишди»¹.

Ана, холос! Ана, сизга инсоний ва касбий одоб! Шунга ўхшаш ёндошувларни кўрганда ё эшитганда «Журналистнинг касб кодекси» ёхуд «Журналистнинг касб одоби» нақадар катта эҳтиёжга айланиб улгурганини ҳис этасан, киши. Мавжуд қонунларга итоат этиш, ҳаёт тақозо этаётган янги-янги қонунларнинг қабул қилинишини жадаллаштириш заруриятига иқрор бўласан.

Матбуот фаолиятига доир қонунлар, биринчи навбатда, журналистга эркинлик майдонини кўрсатиб беради. Фаолиятини қонун асосига қурган журналист ишонч ва қатъият билан ахборот излайди, олади ва улардан ўз ижодида самарали фойдаланади. Қонун журналистни мақолани тайёрлашдан аввал ҳам, мақола эълон этилгач ҳам ҳимоя қилади. Қонунга, кодексга итоат этиш эрксизлик эмас, аксинча —

¹ «Труд», 2005 йил 2 июль.

умумэътироф этилган ҳуқуқ ва одоб меъёрларида фаолият юритишдир. Такрор бўлса-да, айтмоқчимизки, журналист фақат ўзи ва ўз атрофидагиларнинг, ҳомийларининг манфаати учун эмас, балки қонунни яратаётган, кодексни ишлаб чиқаётган ўша УМУМ манфаати, УМУМ фаровонлиги учун ишлайди. Зеро, қонун асосида иш юритган журналист асло ютқазмайди. Қонун ўзига бўйсунган журналистнинг ҳимоячисига айланади!

Қонунлар жамиятдаги барча муносабатларни уйғунлаштирувчи, мувозанатга солувчи асосий восита экан, жамиятга қарата сўз айтувчи касб эгаси — журналист қонундан ташқарида яшай олмайди ҳам. Телеэкран орқали айтилган икки оғиз сўзни озмунча томошабин эшитиб-қўрадимиз? Радиони озмунча одам эшитадимиз? Газетани кам муштарий ўқийдимиз?!

Шу маънода **журналист масъулияти** давримизнинг энг катта ва жиддий муаммоларидан бирига айланмоқда. Журналист масъулияти, деганда, энг аввало, профессионал даражани кўтариш, касбга ихтисослашиш, холислик, хушёрлик, тезкорлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги ҳамда мутаносиблигини топа олишни тушуниш тўғри бўлади. Шундагина, матбуот ҳақиқий маънодаги тўртинчи ҳокимият мақомига етишади, тўртинчи ҳокимият мақомидаги матбуот журналистигина ўз фикрининг ҳақиқий эгасига, ёзаётган объектининг чинакам соҳибига айланади. Тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилишиш, бу — профессионаллашиш демакдир.

Журналистика соҳасида профессионаллашиш фақат маҳорат масаласи эмас, ёзаётган, айтаётган ҳар бир сўзини, жумласини маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, миллий-умуминсоний, мафкуравий-хавфсизлик нуқтаи назарларидан тошу тарозига қўя билиши учун ҳам у профессионаллашмоғи шарт!

Касбимиз одобига доир барча изланишлар, ҳикматлар, фойдали йўл-йўриқлар Фарб олимлари, мутахассислари томонидан айтиб бўлингандек тасаввурда юрамиз. Ваҳоланки, халқимизнинг маънавий мероси шу қадар ҳикматларга бойки, уларни махсус талқик этиш мақсадга мувофиқдир. Кези келганда, буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний меросидан олинган қуйидаги иқтибосга ҳеч бир изоҳсиз назар

ташлаб қўйиш фойдадан холи бўлмайди деб ўйлаймиз: «Хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп. ...Бир киши ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа бир зид жинсни айблаб, ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан (зид жинс устидан) ғалаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади.

Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғазаб тақозосидан келиб чиқишлиги маълум. (Иккинчи бир киши эса) ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир тоифани хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар тарқатади. Бу хил (хабар тарқатувчи) аввалги хабар берувчига яқин бўлади. Чунки бу хабарни дўстлик ёки душманлик натижасида тарқатган бўлади.

(Шунингдек), учинчи бир киши ўзининг паст табиатлилиги сабабли бирон яхшиликка эришиш ёки ўзининг юраксиз ва қўрқоқлиги сабабли ёмонликдан қутулиш учун ёлғон хабар тарқатади.

Шундай кишилар ҳам бўладики, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўёки унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганлигидан келиб чиқади.

Баъзи киши (ёлғон хабар тарқатувчига) тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади...»¹

ЖУРНАЛИСТ — ШАХС!

Соҳамизга доир муаммолар орасида эътибордан четда қолиб келаётган мавзу — журналист шахси. Дарҳақиқат, журналистнинг мамлакат ва жамият ҳаётида, миллат тақдирини тутган ўрни, нуфузи, умуман, унинг жамоатчилик орасидаги мавқеи ҳақида, журналист шахсини камолга етказувчи психологик омиллар ҳақида кўпда сўз очилавермайди.

¹ *Абу Райҳон Беруний*. Танланган асарлар. II жилд. 1965 йил. «Фан». 25—26-бетлар.

Президентимизнинг ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллайдиган байрам табрикларида журналистнинг, журналистлик касбининг аҳамияти, шаъни, масъулияти, шарафи ҳар жиҳатдан батафсил таърифланган дейиш мумкин. Жумладан: журналист «Элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон», «барча жумбоқ ва чигал муаммоларни ечишда жонбозлик кўрсатадиган, халқимизнинг кўзини очадиган, эл-юрт аро маърифат ва зиё тарқатадиган етук, жасур ва фидойи инсон», «одамларимизни эркин фикрлашга ўргатадиган ва маънавий уйғоқликка даъват этадиган», «ўз ўрнини доимо ҳаётнинг қайноқ жабҳаларида деб биладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида касб маҳорати ва фуқаролик позициясини намоён этадиган қатъиятли инсон», «барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос хусусиятларидан, ташқи ёки ички сиёсат, иқтисодиёт ёки суд-ҳуқуқ соҳаси, маданият ёки тиббиёт оламида рўй бераётган, бир сўз билан айтганда, ҳаётда кечаётган кўп қиррали ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиши, ўқувчилар ва кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган долзарб ва устувор масалаларнинг негизига етиб боришга қодир бўлиши лозим»...

Журналистнинг ва журналистлик касбининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, масъулияти ҳақида бундан-да орттириб баҳо ёки таъриф бериш қийин. Санаб ўтилган таърифлар даражасига эришишнинг бирдан-бир йўли эса журналистнинг том маънодаги шахс мақомига кўтарилишидир.

Ҳа, журналистлик оддий соҳа, оддий касб ёки жўн ҳунар эмас. Журналистлик лаёқати одатда болалик кезларидан бошланади. У атроф-муҳитни, кишилар орасидаги муносабат қатламларини, воқеа-ҳодисаларни бошқалардан ўзгачароқ, ўзига хосроқ кўради, талқин этади ва уларга шунга яраша муносабатда бўлади. Бу ўзига хослик журналистнинг ёзишларида, сўз қўллаш услубларида, нуқтаи назарларида, фавқулодда чиқарган хулосаларида ифода топади. Журналист ўз чиқишлари билан минглаб, миллионлаб омма онига, тафаккурига таъсир ўтказади. Дунёқарашларни шакллантиради, фаолиятларни йўналтиради. Сиёсий муносабатлар ҳамда

давлатлар орасидаги муҳитни ўзгартириб юборишга қодир ахборот тарқатади. «Журналист бу фақат ахборот берувчи, дегани эмас, — деб ёзади Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, — яъни, янги мактаб очилди, боғча ишга тушди, дегандек. ... Қўрқмасдан таҳлил қилиши лозим»¹

Жамият миқёсида, керак бўлса, минтақа ва дунё миқёсларида таҳлил қилишга эса шахс-журналистларгина қодир! Бу даражага етишиш бирдан юз бермайди албатта. Зеро, зиёли инсон ва фаол фуқаро, малакали қалам соҳиби даражасига кўтарилиш ҳам аста-секин, мисқол-бамисқол амалга ошади. Касб маҳорати, касб одоби, фуқаровий позиция мустаҳкамлиги, дунёқараши, мафкураси, ақл-идроки, садоқати, инсоний фазилатлари... Бу таъриф-тавсиф рўйхатини давом эттириш мумкин, лекин шуниси муқаррарки, журналист шахси-камоли учун безак бўлароқ санаб ўтилган талабларнинг бирортаси аҳамияти жиҳатидан бошқасидан кам эмас. Аксинча буларнинг бари яхлит бир тушунча сифатида журналистнинг «мен»и, шахси-камолида мужассам топади.

Ахборот, аслида, кўзга кўринмас нарса. Уни қўл билан тутолмайсиз, таъми, туси, иси йўқ. Лекин у шу қадар қудратлики, Юрбошимиз топиб айтганидек, ядро полигонидан қудратлироқ бўлмиш тафаккур полигонларини истаган кўйга солишга қодир!

Айтмоқчимизки, журналистлик касби жамиятни ҳам бирлаштирувчи, ҳам пароканда этувчи, тафаккурларни бойитувчи ва бузувчи қудратга эга!

Мамлакатимиз Президенти «Фидокор» газетаси муҳбирининг саволларига берган жавобларида кишиларимизда комиллик сари интилишнинг муҳим омилларидан бири «дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари»ни мутолаа қилиш эканлигини таъкидлайди. Жумладан, Сократ, Платон, Ницше, Фрейд, Бердяев сингари нодир заковат соҳиблари номларини санаб ўтади. Бундай маънавий меросдан баҳрамандлик бевосита журналистлик маҳоратини оширишда ҳам жуда-жуда асқотади. Зеро, салмоқли фикр айта олиш учун ҳам салмоқли фикр чашмаларидан баҳраманд бўлиш

¹ «Хуррият», 2002 йил 25 сентябрь.

зарур. Мисол учун атоқли рус донишманди Н. Бердяев мақолаларидан бирида «бугунги кун таассуротларининг шиддати» деган жумлани қўллайди ва халқни «кутиш кайфиятидан яратиш кайфиятига ўтишга, тубан хавотирвозликдан маънавий яратувчанликка» даъват этгани бизнинг ҳозирги ҳолатимизга дахлдор дейиш мумкин.

Ўтган ўн икки-ўн тўрт йилги ижтимоий воқеликдан туғилаётган таассуротлар шиддати шу қадар кучайгандан-кучайиб бордики, одамларимизнинг онги, тушунчаси, айниқса сиёсий вазиятни нозик илғаш лаёқати мазкур таассуротлар шиддати ортидан етишиб улгурмаяпти. Бошқача айтганда, воқелик кишилар дунёқарашидан анча олдинда бормоқда.

Хўш, бу каби ҳолатга барҳам бериш жамиятда кўпроқ кимнинг зиммасига тушади?

Журналистнинг!

Юртбошимиз айтган «жамиятнинг миллий манфаатлари» тушунчасининг ўзак-ўзагини ташкил этувчи, миллий манфаат тушунчасини умуммиллий туйғу даражасига кўтариш ҳақида ким кўпроқ қайғурмоғи керак?

Журналист!

Президент юқорида тилга олинган суҳбатида шахсларнинг йўқолиши кишилар ўртасида «оломонга айланиб қолиш» хавфини келтириб чиқаришини айтади. Одатда жамиятда юз берадиган тарихий бурилиш давларида одамлар тафаккурида муайян даражада парокандалик юз беради. Бурилиш даври ва истиқбол аҳамиятини бошқалардан эртароқ англаб етган, ўз тафаккурини шу англаш асносида мустаҳкамлаган, интеллектуал салоҳияти билан бошқаларга ибрат бўла олган ва кўпчиликни ўз ортидан эргаштира билган одам шу даврнинг шахсига айланади. Яъни, Уйғониш даврининг ўз қоялари, чўққилари — ўз ШАХСлари шу тарих тарихда ўчмас из қолдиради.

Истиқлол туфайли Ўзбекистон янги Уйғониш палласи аввалида яшамоқда. Ижобий ва қувонишга арзирли мисоллар кўп, бироқ, юрт раҳбарининг «оломонга айланиш» ибораси замирида фавқулдда фалсафий аҳамиятга молик жиддий масала, ташвиш этгани зиёлиларимизни янаям сергакликка ундайди, мулоҳазага толдиради. Зеро, жамиятда маънавият, маърифат, миллий ғоя ва мафкура ҳақида тин-

май қайғурилаётганининг туб замирида ҳам айна шу — оломонлик кайфиятини халқлашув кайфиятига айлантириш ис-тагидек буюк орзу ётибди. Атоқли ўзбек шоирининг бундан бир неча ўн йиллар илгари, ёзган «Қачон халқ бўласан, эй сен оломон» деган мисрасида ҳам ана, шу буюк, орзу-ис-так мужассам эди! Яна савол туғилади: мана шундай улкан орзуларни миллионлаб кишиларнинг орзусига айлантириш-дек муқаддас вазифа қайси касб эгалари томонидан амалга оширилади?

Табиийки, журналистларнинг!

Жамиятда, жамоатчилик орасида журналистнинг ижод намуналари билан бир вақтда унинг ўзи, шахси-камоли ҳам танила боради. Мамлакат оммавий ахборот воситалари ти-зими тармоқлари нечоғли кўплигидан қатъи назар, бир неча йил мобайнида фаолият юритаётган қайси журналистнинг аслида кимлиги, нималарга қодирлиги, лаёқати, имкони-ятлари, бир сўз билан айтганда, журналист сифатидаги шахси ўнлаб, юзлаб ҳамкасблари орасида ажралиб туради.

Бу нималарда акс этади?

Биринчи навбатда, журналистнинг интеллектуал дунё-қараши ва ижодий қамровининг кенглигида! Маданиятида, қарашларининг, нуқтаи назарининг қатъийлигида. Воқелик-нинг энг мураккаб қирраларини ҳар кимдан кўра нозик-роқ, тезроқ ва холисроқ илғай билишида. Ҳар мақомга йўрғалайдиган, қатъиятсиз, ҳатто манфаат ва таъма бўлмаса кўлига қалам тутмайдиган журналистлар ҳам назардан қочиб қутил-майди.

Журналист муносабатлар, ҳолат-вазиятлар кескин ўзга-рувчан, фавқулодда шарт-шароитларда фаолият юритади. Боши берк кўчаларга кириб қолиши, таҳликали ҳолатларда ўзини йўқотиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Касбий шахси-камоли журналистни мана шундай вазиятлардан халос эта-ди. Яъни, у ўз позициясида қаддини ғоз тутиб қолади.

Журналистнинг тафаккури ахборот оқимлари кесишган, тўқнашган нуқталарда «яшаши», шаклланишидан келиб чи-қилса, бундай ахборот «издиҳоми»да ўзлигини сақлаб қолиш учун ҳам журналистнинг шахси мустаҳкам бўлмоғи зарур. Акс ҳолда у ҳар мақомга йўрғалаётганини ўзи сезмай қолади. Сўзидан путур кетади, чиқишлари ўз таъсирини йўқотади.

Омма эса жуда зийрак ва хушёр, зеро, у журналистдаги бундай ўзгаришларни дарҳол пайқайди. Матбуотда бой берилган нуфузни тиклаш эса жуда-жуда қийин кечади.

Журналист ўз фаолияти билан жамият ҳаётида бевосита иштирок этади. У касб тақозосидан келиб чиқиб, доимо жамият «пульси»дан бохабар туради. Унинг ёзганларидан (ТВда кўрсатганлари, радиода эшиттирганларидан) кўпчилик баҳраманд бўлади, демак, таъсирланади. Таъсирлангани, таъсирга берилди дегани. Кўринадикки, журналист жуда кўп сонли фуқарони маълум бир таъсир доирасига олиб кириш имконияти ва қудратига эга. Бу — ҳам шараф, ҳам масъулият.

Шуларнинг ўзи ҳам журналист жамиятга, жамият аъзоларининг онги, тафаккури, дунёқарашига таъсир кўрсатувчи касб эгаси эканлигини англатади. Журналист муттасил омма билан гаплашади, сирлашади, халқнинг қарашлари, нуқтаи назари, интеллектуал салоҳиятини умумлаштириб юзага чиқаради. Ижод намуналари билан маданий-маърифий муҳит ҳавосини мудом янгилаб туради.

Яна бир жиҳати шундаки, журналист ким ва қандай ёшда эканидан қатъи назар, ҳамон у матбуотга чиқа бошладими, мен ёшман, ҳатто тажрибасизман, дея олмайди. Чунки қаердадир, кимдир унинг ёзганлари ёки айтганларига айнан ишонади, беихтиёр уни ўзи учун яқин ҳамфикр, маслаҳаттўй, дўст деб билади. Матбуотнинг фавқулодда қудратли сеҳри ҳам шунда!

Журналистнинг касби журналистни мана шу тариқа жамиятга чамбарчас боғлаб туради, у ўзини жамиятдан айри тутолмайди, жамият қозонида қайнайди. Нафақат ўзи, балки бутун жамият аъзолари маслак-муддаоларини, интилишларини уйғунлаштиришга, мувозанатга келтириб туришга ҳисса қўшувчи чексиз куч-қудрат соҳиби ҳисобланади.

Ҳар қандай жамиятда зиёлилар ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зиёли табақа вакилларининг жамиятдаги ўрни ҳақида гапирганда журналистларни эса олишлари жуда табиий. Журналистлик касбининг ўзи табиятан зиёли касб. Зиё тарқатиш журналистнинг бош вазифаларидан. Шахсида зиёлилик, зиёпарварлик бўлмаган инсоннинг, мен журналистман, дейиши нечоғли гайритабиий бўлса, шунчалик кулгили ҳол ҳам-

дир. Зеро, журналист касб тақозосига кўра, халқ орасида яшайди, турфа кишилар билан турфа ҳолатларда мулоқотда фаолият юритади. Қонида зиёилик туйғуси бўлмаган одам бу аҳвол, бу шароитда фаол бўла олмайди, ишлолмайди, яшолмайди. Инсонийлик илмининг боқий қомуси бўлмиш Қуръони каримнинг «Бақара» сураси 83-ояти каримасида келадиган «Кишиларга чиройли сўзлар сўзлангиз...» деган даъват барча кишилар қатори тўғридан-тўғри журналистга қаратилган дейиш ҳам мумкин. Чунки чиройли сўз айтиш малакаси ва маданияти журналистнинг профессионал маҳорати ҳамда касб одобининг муҳим талабларидан бири. 195-оятда зикр этилган «Яхшилик қилинг!» деган даъват, 191-оятдаги «(Одамларни) алдаб, фитнага солиш ўлдиришдан ёмонроқдир» деган огоҳлантириш бизга замондош журналистнинг инсоний майлларига сингиб кетиши зарур фазилатлар десак янглишмаймиз. Ваҳоланки, XXI аср матбуоти ва ахборот майдони халқлар, давлатлар ўртасида низолар келтириб чиқарувчи, ядро полигонларидан хатарлироқ курол воситасига айланиб қолаётгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Халқаро миқёслардаги фитналар, ғаламисликлар, «ахборот киллерлари» деган тушунчаларнинг келиб чиқаётгани ҳам шундан далолат беради. Кенг халқ оммасининг дунёқараши, нуқтаи назарига бевосита ва кучли таъсир кўрсатадиган ахборот тарқатувчи, фикр-мулоҳаза айтувчи касб соҳибининг пировард мақсади одамларга ёлғон ахборот тарқатиш ва уларнинг орасига фитна сочиш бўлса, ундай журналистнинг на инсоний, на касбий одоби, зиёилиги ҳақида гап бўлиши мумкинми?! Муқаддас оятда эса бундай қилмиш қотилликдан ёмонроқ дея қораланмоқда.

Журналистнинг касби оғир. У зиммадаги барча масъулиятни шараф билан адо этиши учун, биринчи навбатда, муҳим комил шахс мақомига интилувчан зиёли инсон бўлмоғи зарур. Мана шундай мақомдаги журналистнинг нони ҳалол ва лаззатлидир. Жаноби пайғамбаримиз айтганларидек, «Ҳеч ким ўз қўли билан топган ризқдан кўра лаззатлироқ таом емаган».

Журналист шахсининг шаклланишида жаҳон журналистикаси тажрибалари, хусусан, Ғарб демократиясининг қоришиқ ҳолдаги қадриятлари жиддий таъсир омилига айлана

бораётганини эътибордан соқит қилмаслик керак бўлади. Халқаро миқёсларда қабул қилинган нуфузли ҳужжатларда баён этилган демократик қадриятлар ўзбек журналистлари томонидан эътироф этилиши шубҳасиз. «Инсон ҳуқуқлари ҳеч бир маданиятга бегона эмас ва барча халқлар учун табиийдир, — деб ёзади БМТ Бош котиби Кофи Аннан «Инсон ҳуқуқлари декларацияси»нинг 50 йиллиги нишонланиши муносабати билан қилган мурожаатида. — Келишувчанлик ва бағрикенглик ҳамма вақт давлат бошқаруви ва инсон ахлоқининг интилиш хислатлари бўлиб келган. Биз бугунги кунда ушбу хислатларни инсон ҳуқуқлари дея атамоқдамиз».

Биз эзгу ниятлар мужассам бу сингари чақириқларни эътироф этганимизга ўн тўрт йилдан ошиб бормоқда, бироқ демократия тушунчасининг шу қадар баҳсли, шу қадар мулоҳаза қилиб кўриладиган ўринлари ҳам бор эканки, ҳозирда Фарб давлатлари матбуотида эмин-эркин қўлланаётган айрим журналистлик воситаларидан миллий матбуотчилигимизда тўғридан-тўғри фойдаланиш, афсуски, кўп жиҳатлардан миллий ахлоқимиз, миллий тушунчаларимиз ва қадриятларимизга тўғри келмайди. «Шу ўринда, биргина демократик қарашлар билан миллий қадриятлар ўртасидаги муносабат масаласига тўхталсак, — деб ёзади Абдуазимхўжа Шерзодхўжа ўғли «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Миллат руҳига садоқат» мақоласида. — Бизнинг тушунишимизча, демократиянинг яшовчанлиги унинг турли шароитларга мослашиб кетиши ва миллий хусусиятларни инкор этмаслиги, аксинча, миллийлик билан уйғунлаша олиши билан белгиланади. Аслида, бағрикенгликни қадрлайдиган демократия миллий хусусиятларга нисбатан ҳам ўз бағрикенглигини намоён этилади. Миллий хусусиятлар билан омукта бўлган демократия эса демократик қурилишдаги рангбарангликни келтириб чиқаради. Шу боис биз янги тараққиёт йўлини танлаганимизда ҳам ўзбеконаликдан воз кечиш эвазига демократик қарашларни ўзлаштиришни асло мақсад қилмаганмиз. Бошқача қилиб айтганда, мингйиллик илдишларга эга маънавий-руҳий дарахтни кўприб ташлаш эвазига кўзни қамаштирадиган номаълум ниҳолга эътиқод қўйиш бизнинг аъмолимиз эмасдир. Зеро, бизнинг йўқотадиган нарсамиз — мустаҳкам маънавий томирларимиз, не-не су-

ронли асрлар тўфонларидан бизни миллат сифатида эсон-омон олиб ўтган ўлмас қадриятларимиз бор. Демократияни эса биз мана шу кўҳна тарихга эга маънавиятимиз дарахтига пайванд қилиш имконияти борлиги учун ҳам танлаганмиз. Шу боис, демократиянинг даражасини миллий хусусиятлардан чекиниш даражаси билан ўлчаётган кимсаларга ўз сўзимизни айтишга ҳақлимиз»¹

Биз бу сўзлар замиридаги ҳикматни ҳам инкор этмаймиз ва бундан ўзимиз учун энг тўғри хулосани чиқара биллашимиз. Тўғри хулоса чиқара билиш эса журналист учун, унинг шахси-камоли учун ниҳоятда зарур. Чунки мана шундай баҳсли ўринларда тўғри хулоса чиқара билиш журналистнинг профессионал фаолиятини тўғри изга солишида жуда-жуда асқотади.

* * *

Ҳозирги ўзбек миллий журналистикаси муаммолари хусусида жаҳон матбуотчилигида эришилган ва эришилаётган энг илғор демократик андозалар нуқтаи назаридан мулоҳаза юритиш жуда табиий ҳол. Зеро, Ўзбекистон умумжаҳон ва умуминсоний тараққиёт йўлини танлаганига ўн тўрт йилдан ошмоқда. Бугунги кун матбуотимиз бундан ўн беш йил бурунги матбуотдан тубдан фарқ қилади. Бу фарқ-бу тафовут йил сайин катталашиб бораверади. Чунки жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлганидек, оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳам ислоҳот жараёнлари босқичма-босқич тўхтовсиз давом этмоқда.

Эҳтимол, ахборот асри ҳозиргидан-да мураккаброқ масалаларни, ташвишларни йўлимизга кўндаланг қўяр, бироқ биз ҳеч қандай муаммолардан чўчимасликка одатланмоғимиз ва ҳар қандай мушкул ишга қаддимизни гоз тутиб, тик қарашга қодир бўла билмоғимиз лозим. Қолаверса, соҳамиз муаммоларини бартараф этиш йўлларини излашда биринчи навбатда, ҳамкасбларимиз кучларни сафарбар этсалар деган ниятимиз бор, чунки соҳамиз нозикликларини ҳеч ким, ҳеч бир бошқа касб соҳиби ўзимиздан кўра яхшироқ билмаслиги аниқ.

¹ «Халқ сўзи», 2003 йил 16 декабрь.

